MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

УШБУ СОНДА:




2

ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН "ИНКАССА"

3

ОҚИБАТЛИ ДУНЁ

4

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 13 (369)
2004 йил 6 апрел сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

***Истеъмолчи мақбул сифатли озиқ-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.***

***Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар билан белгиланади.***

**"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 18-МОДДА.**

Ogohlikka da'vat

## ҲАЁТ ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ЖОЗИБАЛИ...



***Ҳаёт тараққиёт билан жозибали, лекин ҳар бир даврда мана шу тараққиётга тушов бўладиган турли хил иллатлар ва жиддий муаммолар инсоният олдида кўндаланг туради.***

***Яқин-яқингача жаҳон урушлари жиддий хатар ҳисобланган. Уруш деса одамлар безиллаган. XXI асрга келиб, халқаро террорчилар тажовузлари ҳаммасидан ошиб тушди ва замонанинг бало-ю офатига айланди.***

Бугун энг олис қишлоқда истиқомат қиладиган оддий деҳқон ҳам мана шу офатнинг ташвиши билан яшайди. Бу таҳлика бежизга эмас, албатта.

Халқимиз бу офат жафосини ўз юрагидан ўтказган, унинг кулфатлари ҳамон ёдида. 1999 йилнинг 16 февралида Тошкент шаҳрида содир этилган мудҳиш портлашлар, 1999-2000 йилларнинг август-сентябрида Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари тоғли ҳудудларига суқилиб кирмоқчи бўлган халқаро террорчилар келтириб чиқарган нотинчликлар, қонли тажовузлар ва фожиалар, унутилмас йўқотишлар ҳар биримизнинг юрагимизда ўчмас из қолдирган.

Куни кеча Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида содир этилган террорчилик тажовузлари яна барча онгли инсонларни ларзага солди. Бу мудҳиш ҳаракатлар кишиларимизни шошириб қўйгани, саросимага солгани йўқ, албатта. Аммо жиддий ташвишлантиргани бор гап. Нимага деганда, Оллоҳ таоло бу мўътабар заминни ёмон кўзлардан ҳар қанча асрамасин, қора кучлар вақти-вақти билан мана шундай қабиҳ тажовузлар содир этмоқда, халқимизга зулм қилмоқда.

Қабоҳатлар қурбонсиз бўлмаслиги аччиқ ҳақиқатдир.

Нафақат Ўзбекистонимизда, АҚШда, Испанияда, умуман, дунёнинг турли мамлакатларида содир этилаётган террорчилик тажовузлари бир олам орзу-ҳавас билан яшаётган беайб, бегуноҳ инсонларнинг, ўн гулидан бир гули очилмаган навқирон йигит-қизларнинг, болаларнинг умрига зомин бўлмоқда.

Ҳолбуки, биргина инсоннинг бемаҳал оламдан ўтиши ҳам, давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, мислсиз йўқотишдир.

Биз 1999 йилнинг 16 февралида пойтахтимиздаги маҳалла, Вазирлар Маҳкамаси ва Миллий Банк бинолари қандай жиддий талофат кўрганини ҳали унутганимиз йўқ. Аммо жуда қисқа вақт ичида бу иншоотлар ҳатто олдингисидан минг чандон обод ва кўркам этилгани ҳеч кимга сир эмас. Маҳалла ҳам ғоятда обод бўлди. Аммо ўша мудҳиш талофат умрини, орзу-ҳавасларини хазон этган, орамиздан юлиб олиб кетган ажойиб инсонлар ўрни ҳамон сезилиб туради.

Мамлакатимизнинг жанубида, Сариосиё туманида мана шу қора куч ҳамласини даф этиш учун кўкрагини қалқон қилган ва ўз жонини фидо этган қаҳрамон аскарлар хотираси ҳамон юрагимизни ўртайди.

Улар ҳаётни сиз билан биздан кам яхши кўрмас эди. Уларнинг ортида севимли қизлари, жажжи фарзандлари, онаизорлари чирқираб қолди...

Бошимизга мана шундай кулфат солаётган бу ёвузлик ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Уни юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, барқарорликни, халқимизнинг аҳил-тотувлигини, унинг бахту саодатини ва бунёдкорлик ишларини кўра олмайдиган, бизга ўз ҳукмини ўтказишни истайдиган аламзада ва қора ниятли ҳасадгўй кучлар содир этаётгани кундай маълум. Бундай ёвуз кучлар бизнинг ҳаётимизни бузиб ташлашни, сиёсий ва иқтисодий беқарорлик келтириб чиқаришни, бизни ўз йўлларидан юришга мажбур этишни хоҳлайди.

Шу маънода қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, оқ-қорани таниган донишманд халқимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч қандай қора куч қайтара олмайди.

Кўпни кўрган оқсоқоллар ойни этак билан ёпиб бўлмайди, дейди. Бу ҳаётда қайта-қайта ўз тасдиғини топган ҳақиқатдир.

Ғаразли кирдикор содир этиб, хотиржамлигимизга таҳдид этаётган қора кучлар, албатта, фош бўлади. Улар Яратганнинг қаҳрига ва халқимизнинг ғазабига учраши муқаррар. Нимага деганда, одамларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмай, чиркин ният йўлида уларнинг ҳаётини поймол этиш, инсоний ҳақ-ҳуқуқига, тинчлиги ва осойишталигига тажовуз қилиш бу ёруғ оламда энг қабиҳ разолат ҳисобланади.

Зеро, инсон ҳаётига, унинг эркинлиги ва қадр-қимматига дахл этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мана шу тушунчани назар-писанд қилмаган, бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлган қаттоллар қилмиши эса ҳеч вақт кечирилмайди.

Террорчилар қиёмат қойим содир этишга, дунёни тескари айлантиришга, инсониятни даҳшатга солишга ҳаракат қилишади. Шу тариқа улар ўзларининг қора ниятларига етмоқчи бўлишади, лекин бу ҳеч қачон амалга ошмайди. Нимага деганда, бундай бўлишини, зулм ва зўравонлик, шафқатсизлик олдида тиз чўкишни одамлар исташмайди.

Ҳар қандай одам яшашни, яшаганда ҳам инсондай яшашни, оила қуришни, ўзидан зоту зурриёт қолдиришни ва пешона тери билан етиштирган ҳосилни йиғиб-териб олишни, ҳаётнинг неъматларидан, яхшилик ва гўзалликдан баҳраманд бўлишни истайди.

Ҳаётнинг қонуни шундай. Одамзоднинг ёвузликка қарши туриши шу билан изоҳланади.

Шунинг учун ҳам бу қора куч эндиликда дунё миқёсида қақшатғич зарбага учрамоқда, ўз қабоҳати билан одамлар қалбида қўрқув, саросима эмас, балки битмас-туганмас ғазаб ва нафрат уйғотмоқда. Кишилик жамиятининг нафратига гирифтор бўлган ҳар қандай куч ва ҳаракат Оллоҳ таолонинг қаҳрига учрайди, шундай экан, у йўқ бўлишга маҳкумдир.

Бугун барча учун бирдек хатар туғдирган ёвузликка қарши жаҳон ҳамжамияти бирлашгани, унга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашаётгани, куни кеча содир этилган қўпорувчилик ҳуружларига нисбатан юртдошларимизнинг хотиржам, аммо нафратли муносабати мана шу ҳақиқатнинг яна бир амалдаги тасдиғидир.

**"Ўз уйингни ўзинг асра"** деган даъват бугун янада чуқур ва теран мазмун-моҳият касб этади. Чунки террорчилик ҳаракатига тортилаётган ёшлар ҳам қайсидир оилада вояга етган, маънавий дунёси қашшоқ бўлгани учун ўз вақтида осонгина бузғунчилар таъсирига тушган. Оқибатда сиёсий найрангбозлар қўлида ўйинчоқ бўлиб, бағритош жиноятчига айланган...

Биз ҳар доим террорчиликни энг қабиҳ разолат сифатида қоралаб келганмиз. Унинг янги жароҳатлари юрагимизни ўртаб турган мана шу дамларда қора ният билан зимдан амалга оширилган бу қабиҳ тажовуз яна бир бор барчамизни ҳушёрликка ундайди ва бирдамликка, дунёга очиқ кўз билан қарашга даъват этади.

Bugunning gapi

## БУГУНГИ ҲУШЁРЛИК – ЭРТАНГИ КУН ОСОЙИШТАЛИГИ КАФОЛАТИДИР

***Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда трансмиллий хусусиятга эга бўла бошлаган халқаро терроризм деган ўта оғир ва мудҳиш жиноят бутун инсоният бошига катта хавф, талофатлар ёғдираётгани сабабли барча давлатлар қаттиқ азият чекмоқда, унга қарши кураш учун кучларини бирлаштирмоқда. Бир сўз билан ифодалаганда, халқаро террорчилик ўта мураккаб жиноий ҳодиса бўлиб, у барча давлатларнинг қонунлари билан ҳимояланган турли ижтимоий муносабатларга тажовуз қилмоқда. Назаримизда, террорчилик каби жиноятлар ўтган ва XXI асрнинг маҳсули эмас, бу жамият тараққиётига азалдан ғов бўлиб келаётган ёвуз жиноятлардан биридир. Унинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўтган замон ва маконларда бу жиноятнинг номи ўзгача аталган бўлиши мумкин. Аммо XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, бу жиноий қилмиш "террорчилик" деб юритила бошланди.***

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида террорчилик жиноятларини содир этишда "янги усуллар"ни қўллаш, жумладан, фуқаролик ҳаво кемаларини эгаллаш, ундаги йўловчилар ҳаётини хавф остида қолдириш; одамларни гаровга олиш; халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши ҳужумлар уюштириши, уларнинг ядровий, кимёвий ва биологик қуроллардан ҳам жиноий мақсадларини амалга оширишда фойдаланиши мумкин эканини кўрсатади. Шунинг учун ҳам террорчилик ҳаракатлари халқаро хусусиятга, яъни бир пайтни ўзида бир нечта давлатларни қамраб олувчи энг мудҳиш ўта оғир жиноятга айланди. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи-назаридан таҳлил қилганда, терроризмнинг ҳар қандай кўриниши ва шаклли, қандай усуллардан фойдаланиши, мотив ва мақсадидан қатъи назар, ўта оғир ва мудҳиш жиноят деб баҳоланади, давлатларнинг миллий қонунчилигида қабул қилинган қонунлар ёки меъёрлар асосида жиноий жавобгарликка тортилади. Ҳозирда халқаро терроризм, терроризм кўринишидаги жиноятлар учун давлатларнинг ҳамкорликда фаолият юритиши, бундай жиноятларни олдини олиш, қарши курашиш йўл-йўриқларини кўзда тутган 1970-2001 йилларда ишлаб чиқиб, давлатлар томонидан ратификация қилинган 13 та халқаро ҳужжатлар — Конвенциялар мавжуд бўлиб, мамлакатимиз ҳам буларнинг аксариятига қўшилган ва ратификация қилган. Бундан ташқари, айнан шу масалага боғлиқ БМТнинг 6 та ҳужжатлари (резалюциялари) қабул қилинганини айтиш мумкин.

Шу ўринда 6 та давлат томонидан (ХХР, Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон) ратификация қилинган "Терроризм, сепаратизм ва экстремизм билан кураш тўғрисида"ги Шанхай конвенциясининг (15 июн 2001 йил) минтақамизда алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаш жоиз. Чунки бу ҳужжатда терроризм, сепаратизм ва экстремизм халқаро тинчлик ва хавфсизликка, давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишга таҳдид солаётгани қайд этилган. Бундай қилмишларни содир этган шахслар тегишли қонун ҳужжатлари асосида жиноий жавобгарликка тортилиши келишиб олинган. Бу ҳужжатда терроризм тушунчасидан (ЖК 155-моддаси 1-қисм диспозициясига ўхшаш) ташқари юриспреденция учун мутлақо янги бўлган экстремизм жиноятига қуйидагича таъриф берилди: **"Экстремизм — ҳокимиятни куч ишлатиб эгаллаш ёки ҳокимиятни куч ишлатиб ушлаб туриш, шунингдек, давлатдаги конституциявий тузумни куч ишлатиб ўзгартириш, шунга ўхшаш жамоат хавфсизлигига куч ишлатиб тажовуз қилиш, шу жумладан, юқорида қайд этилган мақсадлар учун қуролли уюшма ташкил этиш ва уларда иштирок этишга қаратилган миллий қонун билан тегишлича жиноят деб белгиланган ҳар қандай қилмиш тушунилади".**

Энг муҳими, ушбу Конвенцияга мувофиқ, томонлар миллий қонунлари ва ўзлари қўшилган халқаро шартномаларда назарда тутилган қоидалар асосида жиноятчиларни ушлаб беради ва бу борада бир-бирига ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

***(Давоми учинчи бетда)***

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚҚА ТАЖОВУЗ

Мустақил мамлакатимизнинг бош қомуси бўлган Конституциямизда **"Яшаш инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир"**, дея қайд этилган. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида бегуноҳ юртдошларимиз қурбон бўлишди. Қора ниятли кимсалар бу қилмишлари билан халқимизнинг конституциявий ҳуқуқига тажовуз қилди. Бундай ёвуз ҳаракатни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Чунки бирор одамни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг асло ҳаққи йўқ. Бегуноҳ одамларни қурбон қилиш эвазига халқ ичида ваҳима ва таҳлика қўзғамоқчи бўлган кимсалар қаттиқ адашади. Улар билмайдики, ҳеч қандай ёвуз куч халқимизни танлаган йўлидан қайтара олмайди. Чунки ёвузлик ва вайронакорлик эзгулик ва бунёдкорлик олдида ҳамиша мағлубдир. Бу ҳақиқатни англаб етмаслик ва тан олмаслик бориб турган гумроҳликдир. Ўз юртига қарши қурол кўтарган бир гуруҳ гумроҳларнинг ҳаракатлари ҳар қанча лаънат ва жазога лойиқ. Зеро, улар халқимизга, Президентимизга хиёнат қилишди. Бундай фожиаларнинг қайта такрорланмаслиги учун ҳар биримиз огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз зарур. Бошқача айтганда, ўз ватанимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз шарт.

**Азиз УМАРАЛИЕВ**

## ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Очиғини айтсам, бўлиб ўтган мудҳиш воқеалардан қаттиқ таъсирландим. Ахир, ўз ватанига, ўз халқига қўл кўтариш ота-онасига қўл кўтариш билан баробар эмасми?! Бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган бундай кимсаларни (инсон дейишга ҳам тил бормайди) ким деб аташ мумкин?! Наҳотки, улар ўз халқига хиёнат қилган кимсанинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам куйиб кетишини тушунмасалар?

Албатта, бундай ёвузлик ортида битта мақсад, у ҳам бўлса, осойишталигимизга рахна солиш, одамларнинг, айниқса, ёш авлоднинг қалбида ваҳима, ғулғула, ёруғ келажакка ишончсизлик, умидсизлик уйғотиш ётибди. Лекин биз ҳар нарсадан чўчийдиган, ҳар нарсага ишонаверадиган ёшлардан эмасмиз. Аксинча, бунданда оғир синовларни ҳам сабр-матонат билан енгиб ўтган буюк миллатнинг ворисларимиз. Биз ҳар қандай вазиятда ҳам қатъий фикрда туриб, ўз сўзини айта оладиган ёшларданмиз. Шундай экан, кечагина содир этилган ёвузлик ҳам биз — ёшларга ҳеч қандай таъсир ўтказмайди, аксинча, мустақиллик, у берган неъматларни қадрига етиб яшаш учун сабоқ бўлади, янада ҳушёрликка, янада жипсликка даъват этади. Буюк мақсад сари одимлаётган халқни ҳеч қандай ёвузлик йўлдан қайтара олмайди. Зотан, Президентимиз айтганларидек, **юрт тинчлиги учун барчамиз бир мушт бўлиб курашишимиз даркор.**

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**
**талаба**

## ЖАҲОЛАТГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Мамлакатимиз пойтахти ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида содир этилган мудҳиш воқеалар, тинч аҳоли турмуш тарзига путур етказиш, одамларни ваҳима ва васвасага солиш мақсадида амалга оширилган мудҳиш терактлар барча юртдошларимиз қатори биз — Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университети профессор-ўқитувчилари ва талабаларини ҳам қаттиқ ларзага солди. Йўқ, террорчилар хомтаъма бўлишганидек, биз ваҳима ва саросимага тушганимиз йўқ. Аксинча, юртдошларимиз бошига тушган ташвиш бизни янада бирдамлик ва аҳилликка ундади.

Шу билан биргаликда, қалбимизда қаттолликка қўл урган кимсаларга нисбатан битмас-туганмас нафрат уйғонди. Ёвуз ниятли кимсалар қўлида қўғирчоққа айланган ватанфурушларнинг бу ваҳшиёна қилмишлари ҳеч қачон кечирилмайди. Улар ўз қаттол қилмишлари билан тарих олдида ҳам бўйниларига тавқи-лаънат тамғасини осишди.

Дунёга ўз даҳоси билан ёғду таратган Мирзо Улуғбек ва тожпараст фарзанд Абдуллатиф фожиасини бир ёдга олинг. Мана, орадан асрлар ўтаяптики, халқ томонидан ноҳақлик қурбони бўлган Мирзо Улуғбекнинг руҳи покига тиловатлар қилинса, қотил фарзанд Абдуллатиф ҳамон лаънатланади. Шундай экан, аллақайси ковакларда яшириниб олиб, ўз юртига қарши қўл кўтариб, эл-юрт қарғишини олаётганларнинг ҳам косаси оқармайди. Улар бугунми-эртами, ўз қора қилмишлари учун халқ олдида ҳам, қонун олдида ҳам, албатта, жавоб берадилар. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телевидениеси учун берган махсус интаерьвюсида таъкидланганидек, **ўз халқига, ўз Ватанига қўл кўтарган, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишларини фош этиб, халқимизга кўрсатамиз. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қурбимиз ҳам етади.** Бу ҳар бир ўзбекнинг, ўзбекистонликнинг юрагидаги гап.

Самарқандлик профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг шиорлари ягона: жаҳолатга йўл йўқ!

**Шокир ҒАФФОРОВ,**
**тарих фанлари доктори**

Talqin

## МАЪНАВИЙ ЗАРАР

### УНИ ЮРИДИК ШАХСГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАШ МУМКИНМИ?

**Маънавий зарарни қоплаш институти мамлакатимиз қонунчилигида нисбатан янги институт ҳисобланади. Шунинг учун бу институтни суд амалиётида қўллашда баъзи бир қийинчилик ва муаммолар келиб чиқиши мумкин. Ана шундай муаммолардан бири юридик шахсга маънавий зарар етказилиши мумкин ёки мумкин эмаслиги билан боғлиқдир. Қуйида ана шу масала юзасидан фикр-мулоҳаза юритамиз.**

Фуқаролик кодексининг 100-моддаси, 9-бандида ҳамда Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги **"Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги (кейинчалик матн бўйича "Пленум қарори") қарорининг 7-бандида **"фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоида юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда тадбиқ этилади"**, деб белгилаб қўйилган. Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси 2-қисмида эса маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни таркатиш туфайли етказилган бўлса қопланиши қайд этилган.

Ишчанлик обрўси деганда аниқ шахснинг профессионаллик сифатининг баҳоси тушунилади. Ишчанлик обрўсига барча жисмоний ва юридик (тижорат ва нотижорат ташкилотлари, хусусий корхона, муассаса ва ташкилотлар) шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар эга бўлади.

Ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар деганда, айрим шахслар ёки жамоат фикрида амалдаги қонунларга ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан қараганда, ишчанлик обрўсини оёқости қилувчи, обрўни тўкувчи маълумотлар назарда тутилади.

Хўш, юридик шахснинг ишчанлик обрўсига қандай ҳолатларда путур етказилиши мумкин?

Бу саволга жавобан шуни айтиш лозимки, юридик шахс тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг оммавий ахборот воситалари орқали чоп этилиши, кўпчилик олдида сўзлаганда (мажлисларда), мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш натижасида унинг ишчанлик обрўсига путур етади.

***(Давоми иккинчи бетда)***

*Деҳқон хўжалиги оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида деҳқончилик маҳсулоти етиштиради. Хўжаликнинг ҳуқуқий мақоми “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун билан белгиланади. Шунингдек, унинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, мулкчилик, тадбиркорлик фаолиятига оид бошқа қонун меъёрлари ҳам ҳисобга олинади.*

Dakki

# “ЙЎҚОЛГАН” КРЕДИТ



## бунга ким айбдор: банкми ёки мижоз?

Деҳқон хўжалиги бошлиғи хўжалик номидан ишончномасиз иш кўриш, юридик ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш, ишончномалар бериш ва банкда ҳисоб варақалари очиш ҳуқуқларига эга. Ушбу ваколатлардан ҳамма ҳам тўғри фойдаланаяпдими? Қуйида шу ҳақда сўз юритилади.

Ғиждувон туман ҳокимининг 2002 йил 27 май кунидаги қарорига асосан Саттор Жабборов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида “Шаҳноза—Сайёра” деҳқон хўжалиги фаолият кўрсата бошлаган. Хўжалик бошлиғи Сайёра Ғуломовага 0,18 сотих ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома берилган.

2002 йилнинг 11 декабрида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Когон филиали билан “Шаҳноза-Сайёра” деҳқон хўжалиги ўртасида кредит бериш тўғрисида 42-сонли шартнома тузилиб, банк бўш сармояси ҳисобидан деҳқон хўжалигига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш, чорвачиликни ривожлантириш ва қурилиш материаллари сотиб олиш мақсадида 12 ой муддатга 42 фоиз йиллик устама тўлаш шарти билан 10 миллион сўм кредит ажратган.

Деҳқон хўжалиги олинган кредитдан мақсадли фойдаланиб, белгиланган муддатда уни қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳар ойнинг 25 санасигача 3,5 фоиздан кредит фоизини тўлаб бориш мажбуриятини олган.

Бир қарашда мазкур жараён қонун доирасида бажарилгандай туюлади. Зеро, тижорат банклари томонидан ажратилаётган мақсадли кредит маблағлари юридик шахс бўлган кичик ва хусусий корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига берилади. Демак, бу ўринда ҳеч қандай хатога йўл қўйилмаган. Берилган кредит маблағларининг қайтарилишини таъминлаш мақсадида кафиллик чораси қўлланилган. Афсуски, шу ўринда банк мутасаддилари амалдаги қонунларга зид иш тутишган. Гап шундаки, кредитнинг қайтарилишини таъминлаш учун “Ўзсаноатқурилишбанки”нинг Когон филиали, “Қизилтепагеология” давлат геология қидирув экспедициясига қарашли 31-сонли геология қидирув экспедицияси, “Миллий банк”нинг Учқудуқ филиали ва “Шаҳноза-Сайёра” деҳқон хўжалиги ўртасида 2002 йил 27 ноябрда кафиллик шартномаси тузилган. Бироқ 31-сонли геология қидирув экспедицияси ташкилоти юридик шахс мақомига эга бўлмаса-да, унинг раҳбари Александр Сидоров шартномага имзо қўйган. Фуқаролик кодексининг 292-моддасига асосан кафиллик шартномаси бўйича кафил шахс ўз мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Бироқ бу ўринда банк, қарздор ва кафил имзолаган кафиллик шартномаси кафолатсиз қолган. Устига устак, банк мутасаддилари деҳқон хўжалиги ҳисоб рақамига шартномада келишилган маблағни кўчиришди-ю, унинг мақсадли ишлатилиши, кредит фоизлари қайтарилишини назорат қилишни ўз ҳолига ташлаб қўйишди.

Ҳолбуки, шартноманинг 3.2.2-бандида кредитдан фақат мазкур ҳужжатда кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланиш назарда тутилган. Деҳқон хўжалиги эса кредитни қайтариш муддати тугагач, банкка кредит маблағига икки дона “ДУК-Осиё” ва қурилиш мосламаси ускуналарини олгани тўғрисидаги 72-сонли юк хатини тақдим этган. Вилоят хўжалик судига даъвогар сифатида чиққан банк ходимлари ажратилган кредитдан мақсадли фойдаланганлик ҳолатини жойида бориб текширишмаган. Кўзбўямачилик шу даражага бориб етганки, жавобгар томонидан тақдим этилган юк хати асос қилиниб, 2003 йил 16 декабрда кредитдан мақсадли фойдаланганини ҳақида банк биносида мониторинг далолатномаси тузилган. Аслида эса бу ускуналар ҳақида деҳқон хўжалиги оила аъзолари мутлақо бехабар бўлган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ деҳқон хўжалиги бошлиғи муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Хусусан, томорқа ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерга табиий объект сифатида зарар етказмаслик, ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш, агротехника талабларига риоя этиш, хўжалик мажбуриятлари ва қарзлари бўйича тўлиқ жавобгар бўлиш хўжалик бошлиғи мажбуриятларига киради. Лекин “Шаҳноза-Сайёра” деҳқон хўжалиги раҳбари хўжаликнинг думалоқ муҳри ва бурчак тамғасини Мустафо Одилов исмли шахсга ишониб топширган. У эса банкдан ўн миллион сўмлик кредит олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Ҳозирги пайтда кредитни қайтариш муддати тугаган бўлса-да, у 10 миллион сўм кредит маблағи ва 3 миллион сўмлик кредит фоизини тўлашдан бўйин товлаб келмоқда. Шу боис банк вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритган.

Суд мазкур ҳолатда кредит пули талон-тарож қилинган, деб ҳисоблаб, Мустафо Одиловга нисбатан Жиноят кодексининг бир неча моддаларига асосан жиноят иши қўзғатди. Хусусий ажрим ва тўпланган ҳужжатлар дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди. Демак, масала тез орада қонуний ечим топади. Лекин шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Гап шундаки, банк хўжаликка кредит беришда нега унинг кредит маблағларини қайтара олиш имконияти ҳисобга олмаган? Шу маънода банк мутасаддиларининг ўзлари қонунбузарликка йўл очиб беришмаганми?

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, қонун талабларига риоя этмаслик ва масъулиятсизлик бор жойда турли муаммолар пайдо бўлади. Ўз навбатида улар ташкилот, хўжалик ёки муассасанинг ишини орқага тортади.

**Мустафо ЖЎРАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**журналист**

Shartnoma qonunchiligi

*Пискент туманидаги Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидаги “Эрманова Собира” фермер хўжалиги 2002 йил 10 октябрда “Тўйтепадон” МЧЖ билан 296-сонли контрактация шартномаси тузди. Шартномага мувофиқ фермер хўжалиги 10,4 тонна донни 2003 йил 20 августгача етказиб бериш, тайёрловчи ҳисобланмиш “Тўйтепадон” МЧЖ эса донни ўз вақтида қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ўз муддатида унинг қийматини тўлаш мажбуриятини олди.*

# ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР



Мўмай даромад умидида мўл буғдой ҳосили етиштирган фермер хўжалиги аъзолари зиммаларидаги мажбуриятларини тўлиқ уддалашди. Аниқроғи, улар 2003 йил 4 июл куни умумий қиймати 693.727 сўмлик 10.374 килограмм буғдойни ўз транспортлари билан тайёрловчининг омборига етказиб беришди. Лекин “Тўйтепадон” МЧЖнинг мутасадди раҳбарлари буғдой ҳақини тўлашга келганда сансалорликка йўл қўйишди.

2004 йил 1 январ куни тузилган солиштирма далолатномада “Тўйтепадон” МЧЖнинг “Эрманова Собира” фермер хўжалигидан 693.727 сўм кредиторлик қарзи мавжуд экани қайд этилган. Буни “Тадбиркорбанк”нинг Пискент тумани бўлими томонидан 2004 йил 16 январда берилган 03/24-рақамли маълумотнома ҳам тасдиқлайди.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, айрим кишилар онгида контрактация шартномасини ўз вақтида бажарилмаслигидан товар ишлаб чиқарувчигина зарар кўради, деган нотўғри тушунча мавжуд. Аслида эса бозор иқтисодиёти шароитида томонлар ўртасида тузилган шартнома бутун бошли жараён бўлиб, унинг бузилиши бошқа оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Буни “Эрманова Собира” фермер хўжалиги мисолида кўрадиган бўлсак, у маҳсулот пулини ололмагани оқибатида ер солиғи, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, меҳнат биржаси, касаба уюшмасига тааллуқли тўловларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаган. Натижада бу тўловларнинг ҳар бири бўйича устама миқдори кундан-кунга ортиб бораверади. Бу масаланинг моддий томони, лекин деҳқонни бора-бора ҳафсаласини пир қиладиган маънавий томони ҳам бор. Шу сабабли “Эрманова Собира” фермер хўжалиги раҳбари О.Эрманов 2003 йилнинг охирида “Тўйтепадон” МЧЖга огоҳлантириш хати билан мурожаат этиб, топширилган маҳсулот пулини қисқа муддатда тўлашни талаб қилган. Аммо корхонадан ҳеч қандай жавоб ололмагач, у шу йилнинг 20 январ куни Тошкент вилояти адлия бошқармасига ариза берди.

Аризада келтирилган далиллар тезкорлик билан ўрганиб чиқилиб, хўжалик судига етказиб берилган маҳсулот ҳақини, бу ҳақни ўз вақтида тўлаб бериш чорасини кўрмагани учун устама ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди. Тошкент вилояти хўжалик суди 2004 йил 18 февралда мазкур масалани суд мажлисида кўриб чиқиб, даъвони тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Унга биноан “Тўйтепадон” МЧЖ ҳисобидан “Эрманова Собира” фермер хўжалиги фойдасига 693727 сўм асосий қарз, 346863 сўм устама ундириладиган бўлди. Бундан ташқари, суд “Тўйтепадон” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Т.Мирёқубовни 16320 сўм миқдорида жаримага тортди. “Тўйтепадон” МЧЖ бош ҳисобчиси Р.Солиева эса бир ойлик иш ҳақини “Тўйтепадон” МЧЖ ҳисобига ўтказади.

Хуллас, фермернинг қонуний ҳуқуқи тикланди. “Тўйтепадон” МЧЖ раҳбарлари энди контрактация шартномаси қонуний ҳужжат эканини, унга амал қилмаслик кони зарарлигини англаб етишгани шубҳасиз.

**Абдуқаҳҳор САТТОРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Qonun dastagi

# ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ

Халқимиз аҳдида турмайдиган кимсани бебурд, деб айтади. Энг ёмон хислатлардан бири ана шу бебурдлик. Шу туфайли эл назаридан, эътиборидан қоласиз. Бироқ бу айримларга сабоқ бўлмаяпти. Айни вақтда ўзаро битишув, келишув асоси ҳисобланган шартнома тузилишига катта аҳамият берилмоқда. Чунки у бурдингиз борлигининг, аҳдингизда қатъий тура олишингизнинг қонуний меъёрга асосланади.

Фуқаролик кодекси ва **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”**-ги қонунда томонлар ўртасида шартнома тузилгандан сўнг унинг бажарилиши мажбурий эканлиги қайд этиб ўтилган. Шунга қарамасдан, бир қатор қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарияти шартнома тузилгандан сўнг унинг бажарилишини эътибордан четда қолдиришмоқда, ўзларининг устувор ҳуқуққа эга эканликларини сездириб қўйишга ҳаракат қилишмоқда.

Хўш, эртадан кечгача далада меҳнат қилиб куйиб-ёнаётган фермер нега манман шахснинг айби билан зарар кўриб қолиши керак?! Ахир, фермер хўжалиги шартнома тузилгандан сўнг унда кўрсатилган хизмат бажарилишини, маҳсулот етказиб берилишини, ҳосил учун ҳисоб-китоб қилинишини кутиб яшашга мажбур бўлмоқда.

Ушбу фикримизга бир мисол. Сайхунобод туманидаги “Нурали” фермер хўжалиги 2003 йил ҳосили учун 12 гектар майдонда буғдой экиб, “Оқ олтиндон” акциядорлик жамияти билан 2002 йил 28 сентябр куни 70-сонли контрактация шартномаси тузган. Фермер хўжалиги 25 тонна ўрнига 26,3 тонна дон етказиб берган. Шартномага кўра, акциядорлик жамияти донни қабул қилиб олгандан сўнг 7 банк куни ичида фермер билан ҳисоб-китоб қилиши шарт эди. Аммо жамият шу кунга қадар ҳам дон учун ҳақни тўламай келган. Хўш, фермер дон ҳақи ортидан югуриб юришдан бошқа ташвиши йўқми ёки унга маблағ зарур эмасми? Нега масаланинг буёғини жамият раҳбарияти ҳисобга олмади? Фақат адлия бошқармаси фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб хўжалик судига даъво аризаси киритганидан сўнггина масала ҳал этилди.

Юқоридаги каби нохуш ҳолатлар Ховос туманидаги “Мирзаулуғ” ва Мирзаобод туманидаги “Сардор” фермер хўжаликлари мисолида ҳам учратиш мумкин. Ҳатто Ш.Рашидов туманидаги “Тинч” фермер хўжалигига 653,4 тонна буғдой учун 25.540.090 сўм шу кунгача тўланмаган.

Айрим идоралар раҳбарлари фермерлар улар учун эмас, улар фермер манфаати учун ишлашлари шартлигини унутиб қўйишмоқда. Қонун талаби эса буни кечирмайди.

**Абдумурод ҚЎЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

*Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган текшириш ва сўров натижасида Хоразм вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида кўплаб ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Хусусан, “Хоразмдонмаҳсулотлари” акциядорлик уюшмаси ўтган йили дон тайёрлаш бўйича вилоятдаги кўплаб ширкат ва фермер хўжаликлари билан ўзаро контрактация шартномалари тузган. Уюшма улардан маҳсулот қабул қилиб олган-у ҳақини тўлашга келганда сансоларликка йўл қўйган. Масалан, биргина Урганч тумани ширкатлари йил охиригача ўзларига тегишли ҳақнинг 75 фоизини олишган, холос. Шартномада эса ҳисоб-китоб ишлари 5 кун ичида амалга оширилиши зарурлиги белгиланган.*

# НОЎРИН МУНОСАБАТ



## ҚОНУН БУ ҲОЛНИ КЕЧИРМАЙДИ

Фермер хўжаликлари билан 22 фоиз миқдорида ҳисоб-китоб қилинган. Бу кўрсаткич Янгибозор туманида 23 фоиз, Қўшкўпир туманида 82 фоизни ташкил этган.

Урганч туманидаги “Матёқуб ота” фермер хўжалиги уюшма олдидаги шартномавий мажбуриятини июн ойидаёқ уддалаган. Бироқ 1 миллион 150 минг сўмлик меҳнат ҳақини олишга ойлаб сарсон бўлди. Шу тумандаги “Саид Маҳмуд” фермер хўжалиги 1,9 миллион сўм, Гурлан туманидаги “Қўчқор нойиб” фермер хўжалиги эса 1,7 миллион сўм маблағини олишда шундай сарсонгарчиликка дуч келган. Бундай қонунбузарликлар банклар фаолиятида ҳам учрайди.

“Миллий банк”нинг Хонқа шаҳобчаси мутасаддилари “Бобо Саттор” фермер хўжалигининг 371 минг сўм, “Халқбанки”нинг туман бўлими эса “Султонов Расулбек” фермер хўжалигининг 250 минг сўм маблағини бошқа ташкилотларга ноқонуний равишда ўтказиб берган.

Қишлоқ тадбиркорлари ҳақ-ҳуқуқлари вилоятдаги “Қишлоқхўжаликкимё”, “Машина трактор парки” ҳиссадорлик жамиятлари, ер хизмати, солиқ ва молия идоралари томонидан ҳам бузилган.

Мисол учун айтсак, “Қишлоқхўжаликкимё”нинг Урганч тумани шаҳобчаси фермер хўжаликларининг жами 59,3 миллион сўмлик (унинг 26,8 миллион сўми ҳисоб-китоб муддати ўтган маблағлардир) маблағини асоссиз равишда ушлаб турган. Аслида эса бу маблағга ўғит берилиши лозим эди. Бундан ташқари, тумандаги мавжуд 402 та фермер хўжалигига 50 тонна ўрнига борйўғи 69 килограмм калийли ўғит берилган.

Баён этилгани сингари камчиликларни бартараф этиш учун Адлия вазирлиги томонидан мутасадди идораларга тегишли тақдимномалар киритилди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Хўш, бундай талабномага муносабат қандай?

Афсуски, бу борада ҳам сансоларлик ва ўзибўларчилик ҳолатлари йўқ эмас. Жумладан, айрим субъектларга тақдимнома матнлари етиб бормаган. Баъзи идора ва ташкилотларда эса тақдимномада қайд этилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш тадбирлари шу вақтга қадар кўрилмаган.

Ajab savdolar

“Миллийбанк”нинг Шовот тумани шаҳобчаси мутасаддилар эса мазкур муассасада аниқланган камчилик ва нуқсонлар қандай бартараф этилгани ҳақидаги сўровимизга жавобан Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси томонидан ўтказилган назоратга доир йиғилиш баёни нусхасини тақдим этишди. Наҳотки, банкдагилар вазирлик тақдимномасию, бош бошқарма текширувига доир ҳужжатнинг фарқига етишмаса? Бу ўзибўларчиликми ёки кўзбўямачилик? “Тадбиркорбанк”нинг Боғот туман бўлимида эса ўтказилган текширишда аниқланган камчилик ва нуқсонлар учун айбдор, деб топилган масъул ходим Ғулом Мадраҳимов текширишдан 4 ой олдин, яъни 2003 йилнинг 22 апрел куни жазоланган. Бундай сохтакорлик кимга кераклигини банк мутасаддилари қандай изоҳлашар экан?

Хулоса шуки, зиммасидаги бурч ва мажбуриятига лоқайдлик билан қараш, қишлоқ тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасига “ўгай” муносабатда бўлишни қонун кечирмайди. Буни хоразмлик “ёшулли”лар теран англаб етишлари лозим.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Talqin

# МАЪНАВИЙ ЗАРАР

## УНИ ЮРИДИК ШАХСГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАШ МУМКИНМИ?

***(Давоми.***
***Боши биринчи бетда)***

Масалан, юридик шахс ишлаб чиқарадиган махсулотнинг сифатсиз деб эълон қилиниши ишчанлик обрўсига путур етказиш деб баҳоланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Фуқаролик кодексининг 100-моддаси 8-бандида белгиланган фуқаронинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилиши натижасида суд орқали ҳимояланиш усулларидан юридик шахс ҳам фойдаланиши мумкин. Бу эса юридик шахснинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилиши натижасида етказилган моддий зарар билан бирга маънавий зарарни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақли эканини билдиради. Бундан ташқари, Фуқаролик кодекси 1021-моддасининг 2-қисми 3-бандида белгиланган меъёр умумий бўлиб, унда ишчанлик обрў-эътиборига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш туфайли юридик ёки жисмоий шахсга маънавий зарар етказилиши масаласида аниқ қоида мавжуд эмас.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Пленум қарорида маънавий зарарга қуйидагича тушунча берилган: **“Маънавий зарар” жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади”.** Пленум қарорида келтирилган маънавий зарар тушунчасидан кўриниб турибдики, юридик шахс ўз бошидан маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азобларни кечира олмайди. Шу сабабли фуқаронинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш масаласи юридик шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Фуқаролик кодексининг 1022-моддаси 2- ва 3-бандларига асосан маънавий зарарни қоплаш миқдори фуқарога, яъни жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим. Суд етказилган маънавий зарар қийматини аниқлашда жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти, маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ҳамда жабрланувчининг шахсий хусусиятларини эътиборга олиши керак. Демак, суд маънавий зарарнинг миқдорини аниқлашда маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатни ва жабрланувчининг шахсий хусусиятини этиборга олади. Шу боис Фуқаролик кодексининг 1022-моддасида маънавий зарарнинг миқдорини аниқлаш учун белгиланган меъёрни юридик шахсга нисбатан қўллаш имкони йўқ.

Пленум қарорининг 13-бандида белгиланишича, маънавий зарарнинг миқдори даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний оғриқларнинг моҳияти ва миқдорига, ҳар бир алоҳида ҳолларда жавобгарнинг айби даражасига, шунингдек, бошқа этиборга олинадиган ҳолатларга боғлиқдир. Бундай ҳолатда Пленум қарорининг 7-банди ва 13-банди бир-бирига қарама қарши ҳисобланади. Чунки Пленум қарорининг 7-бандида фуқаро ва юридик шахсга етказилган маънавий зарарни қоплаш мумкинлиги кўрсатилган. Лекин қарорнинг 13-бандида фақат фуқарога етказилган маънавий зарар қопланиши мумкинлиги қайд этилган. Бундан ташқари, юридик шахсга маънавий зарар етказилиши ва унинг ўрнини қоплаш мумкин дейдиган бўлсак, унда Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига асосан маънавий зарарнинг қиймати суд томонидан аниқланаётганда зарар кўрган шахсга етказилган маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азобларнинг даражасидан келиб чиқиб белгилаш лозим. Зеро, маънавий, айниқса, жисмоний азобларни инсонгина бошидан кечира олади. (Юридик шахсга эса ҳеч қачон маънавий ва жисмоний оғриқ ҳамда маънавий зарар етказилиши мумкин эмас.)

Ҳозирги кунда хўжалик судларига юридик шахслар томонидан маънавий зарарни қоплаш тўғрисида тақдим этилаётган даъво аризалари суд томонидан Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддасини асосан қайтарилмоқда ёки даъвонинг маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ қисми иш юритувидан тўхтатилмоқда. Чунки маънавий зарарни ундириш Хўжалик-процессуал кодексининг 24-моддасида назарда тутилмаган ва у хўжалик судининг ваколатига кирмайди.

Юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳақоротловчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида унга маънавий зарар етказилиши мумкин эмас. Лекин юридик шахс ҳам жисмоний шахс сингари ўзиинг ишчанлик обрўсига путур етказилган маълумотларни, агар уни тарқатган шахс ушбу маълумотларни исбот қила олмаса ва ҳақиқатга тўғри келмаса, маълумотни тарқатган оммавий ахборот воситаси ёки суд орқали бундай маълумотларни рад этишни талаб қилиши мумкин. Юридик шахс қайта ташкил этилгандан (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажралиб чиқариш, ўзгартириш) кейин унинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш манфаатдор шахсларнинг талабига кўра амалга оширилади. Юридик шахс тугатилгандан сўнг унинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилганда, тарқатилган маълумотларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат этиб бўлмайди. Чунки Фуқаролик кодексининг 53-моддасига асосан юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади, деб белгилаб қўйилган. Агар юридик шахснинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги қонуннинг 27-моддасига асосан у худди шу оммавий ахборот воситаси орқали раддия беришни талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 100-моддаси 9-бандида белгиланган юридик шахснинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида у тўғридан-тўғри зарар билан боғлиқ бўлмаган моддий зиён кўриши мумкин. Бундай зарар Фуқаролик кодексининг 985-моддасига асосан умумий тартибда зарар етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Шу каби қонун талабларига асосан Фуқаролик кодексининг 100-моддасида белгиланган юридик шахснинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилиши натижасида унга маънавий зарар етказилмайди, деган хулосага келиш мумкин. Чунки юридик шахс инсон сингари маънавий ва жисмоний азобларни бошидан кечира олмайди. Шу боис Фуқаролик кодексига маънавий зарарнинг тушунчасини берувчи қўшимча модда, мазкур кодекснинг 1021-моддаси 2 қисми 3 бандига **“зарар фуқарога орномус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоротловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса”** деган жумлани киритишни таклиф этамиз. Ўз навбатида юқорида таъкидланган Пленум қарорига **“маънавий зарар фақат фуқароларга етказилиши мумкин”** деган қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, маънавий зарар тушунчаси билан боғлиқ қонун меъёрларининг такомиллаштирилиши бу борада суд амалиётида учраётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

**К. РАШИДОВ,**
**Б. ҲАМРОҚУЛОВ**

Qonun ko`magi

# БАРАКАЛЛА, “МЮРИШ”

Баъзи одамлар онгига кирим яхши-ю, чиқим ёмон, деган тушунча ўрнашиб қолган кўринади. Бу ақида ҳақиқатдан жуда йироқ. Айниқса, шартномавий муносабатларга мутлақо ёт. Томонлар ҳуқуқий муносабатларга киришишдими, олди-берди масаласида адолат мезонлари бузилмаслиги керак. Акс ҳолда...

Самарқанд шаҳридаги “МЮРИШ” савдо ишлаб чиқариш корхонаси ўтган йилнинг 24 март куни Тойлоқ туманидаги “Жумабозор” ширкат хўжалиги билан 1 миллион 800 минг сўмлик плёнкани етказиб бериб, шартнома мажбуриятини бажарган. Ширкат хўжалиги аъзолари плёнкани ишлатиб юборишган. Аммо унинг ҳақини тўлашга келганда хўжалик раҳбарлари ўзларини билиб-билмасликка, сезиб-сезмасликка олишган.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бундай ҳолга тез-тез дуч келинади. Аксарият ҳолларда маҳсулот етказиб берган тадбиркор ҳақини ололмай сарғайиб юрганига, тоқати тоқ бўлгач, тегишли идораларга мурожаат этганига гувоҳ бўламиз. Лекин “МЮРИШ” савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлари ҳақ-ҳуқуқларини яхши тушунишар экан. Улар “Жумабозор” ширкат хўжалигига бир-икки марта мурожаат қилиб, етказиб берган маҳсулоти пулини тўлаб, орани очиқ қилиб қўйишни сўрашган. Натижа чиқмагач, вилоят адлия бошқармасига ариза беришди.

Адлия бошқармаси ходимлари корхона мурожаатини ўрганиб, **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги Қонуннинг 32-моддаси ва тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.2.-бандига кўра етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламагани учун сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир банк учун кечиктирилган тўлов маблағининг бир фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов маблағининг эллик фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима тўлаши лозим, деган тўхтамга келишди. Шунга асосан “Жума бозор” ширкат хўжалиги ҳисобидан “МЮРИШ” савдо ишлаб чиқариш корхонасига 1 миллион 800 минг сўм асосий қарз, 900 минг сўм жарима – жами 2 миллион 700 минг сўм ундиришни сўраб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Вилоят хўжалик суди судьяси А.Шукуров раислигида ўтган суд мажлисида даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Озгина эътибор қилиб қаралса, бу ҳол юз бермаслиги мумкин эди, деган фикр туғилади. Очиғи, шартномавий муносабатларда адолат мезонлари бузилмаганда судлашишга ҳожат йўқ эди. Бу масаланинг бир томони бўлса, унинг иккинчи томони ҳам бор. “МЮРИШ” мутасаддилари ширкат хўжалиги эшигида қимматли вақтларини сарфлаб, ҳақларини тўлашни сўраб сарсон бўлишни маъқул кўрмади. Ахир, ўртада шартнома бор. Шартнома шартини бажармаган, яъни асосий қарзни тўламаган жаримаси билан қайтаришга мажбур. Шундай экан, қўл билан бериб, оёқ билан югуриш на ҳожат?!.

Хуллас, “МЮРИШ” савдо ишлаб чиқариш корхонаси қонунга таяниб, адлия идораси кўмаги билан суд тартибида бузилган ҳуқуқини тиклади.

**Фахриддин МУҲАММАДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Шанхай Конвенцияси иловасида терроризмга қарши кураш билан боғлиқ халқаро ҳужжатлар — Конвенциялар номма-ном (жами 10 та) кўрсатилган бўлиб, шартномага иштирок этувчи давлатлар халқаро миқёсида айнан шу ҳужжатлар талабларини бажаришга масъулдир.

Халқаро терроризм, умуман олганда, террорчилик, экстремистик хусусиятга эга жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф қилиш билан боғлиқ аниқ ва халқаро террористик ташкилотларининг жиноий фаолиятларини амалга оширишларига бевосита кўмаклашаётгани, мадад бераётганини, шунингдек, халқаро уюшган жиноятчиликнинг мамлакатимиз хавфсизлигига очиқдан-очиқ таҳдид солаётгани тўғрисидаги илмий-амалий ва назарий қарашларини бундан қарийб ўн йил олдин баён қилган эди.

Мамлакатимизда терроризмга қарши самарали кураш олиб бориш учун ҳуқуқий механизм ишлаб чиқилган. Ав-ий жавобгарлик белгиланган. Ушбу меъёр диспозициясига биноан **"терроризм халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверинитети, ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлигига путур етказиш, уриш ва куролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадини"** кўзлайди. Дарвоқе, халқаро миқёсида террорчилар юқорида қайд этилган мақсадларига эришиш учун куч ишлатиш, яъни портлатиш, ўт қўйиш, радиактив, биологик, портловчи, кимёвий, шунингдек,

# БУГУНГИ ҲУШЁРЛИК – ЭРТАНГИ КУН ОСОЙИШТАЛИГИ КАФОЛАТИДИР

фаол чораларни кўришда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг алоҳида ўрни ва хизмати борлигини таъкидлаш жоиз. Чунки давлатимиз раҳбари халқаро миқёсидаги нуфузли минбарлардан, жумладан, БМТ, ЕХҲТ доирасидаги Саммит ва анжуманларда халқаро террористик ҳаракатлар ёки террорчилик ташкилотларга қарши курашда кучларни бирлаштириш, айниқса, террорчи жиноятчиларга молиявий кўмаклашувчи, мадад берувчи ҳар қандай манбанинг пайини қирқишга хизмат қилувчи Марказ ташкил этиш ташаббусини билдирган эди. Шунингдек, Юртбошимиз диний экстремизм ва фундаментализм, ташкилий жиноятчиликнинг наркотик моддалар ишлаб чиқиш ва улар савдоси билан шуғулланиш, яширинча қурол сотиш каби уюшган ва профессионал тус олган турлари валомбор, **"Терроризмга қарши кураш тўғрисида"**ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонунда ҳам "Халқаро шартномада Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади", дейилган.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, мазкур қонунга биноан мамлакатимизда террорчилик каби ўта оғир жиноятларнинг олдини олишга нафақат давлат, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, нодавлат ташкилотлари ва ҳар бир фуқаро кўмаклашишлари даркор.

Бундан ташқари, мамлакатимизда амалда бўлган Жиноят Кодексининг 155-моддасида терроризм учун жинозаҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан қўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш ёки бундай транспорт воситаларига портловчи моддаларни жойлаштириш йўли билан портлатиш, энг даҳшатлиси, бундай ҳаракатларни фақат аҳоли гавжум ва оммавий тадбирлар ўтказилаётган жойларда амалга ошириш орқали ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш пайида бўлишади.

Қонунда белгиланганидек, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, жумладан, террорчилик иштирокчиларига жавобгарлик билан бирга қилмишига яраша жазо муқаррар.

Шу ўринда Жиноят кодексининг 155-моддасининг (терроризм) тўртинчи қисмида баён этилган "терроризмни тайёрлашда



иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ва бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади", деган меъёрни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ўтган ҳафта мамлакатимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ ҳодисалар тафсилоти терроризмнинг олдини олишга бефарқ қараш, айрим маҳалла фаоллари, хонадон эгалари, қўни-қўшниларнинг "сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида иш тутаётганини кўрсатмоқда. Наҳотки, кўпчилик гавжум яшаётган бир неча қаватли уйларнинг фаоллари бир неча ойлаб бегона шахсларнинг, тунги пайтда пайдо бўлаётган инсоний қиёфасини йўқотган махлуқларнинг кириб-чиқишини кўрмаган бўлса? Бунга ишониш қийин, албатта. Шу боис фидойилик, ватанпарварлик, жамоа фаоллиги, ҳушёрлик бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бугунги ҳушёрлик, огоҳ, сезгирлик авваламбор, она юртимизнинг, қолаверса, ҳар бир хонадонимизнинг эртанги кун хотиржамлиги гарови эканини ҳар биримиз англамоғимиз зарур ва шарт.

Халқаро терроризмга қарши курашга барча давлатлар бел боғлаган ҳозирги кунда ўйлаймизки, барча юртдошларимиз бундай ўта оғир жиноятни таг-томири билан сидириб ташлашда давлатимиз раҳбарига камарбаста бўлади. Зеро, ҳушёрлик ҳар доим ҳамроҳимиз бўлиши зарур.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**



***Бойсун туманидаги «Ҳамкор» хусусий фирмаси Термиз шаҳридаги масъулияти чекланган "Ишонч" корхонаси билан ўзаро шартнома тузиб, 2002 йилнинг баҳор ва ёз ойларида шаҳардаги академик лицей қурилишида 12.462.899 минг сўмлик иш бажарган. Ушбу маблағнинг 4.146.790 сўмлик қисмини ололмаган фирма вилоят хўжалик судига даъво ариза киритган.***

# ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН "ИНКАССА"

Ўтган йилнинг 24 сентябр куни хўжалик суди "Ишонч" МЖЧ жамият ҳисобидан "Ҳамкор" хусусий фирмаси фойдасига асосий қарз ва устама билан бирга 8.619.987 минг сўмлик маблағ ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Суднинг ижро варақасини қўлга киритгач, хусусий фирма 29 сентябр куни 2-сонли суд тўловномасини банкка тақдим этган. Шундан сўнг "Ишонч" МЧЖ раҳбарлари "эрта кел, индин кел" қабилидаги ваъдалар билан бир йил мобайнида фирма раҳбарини сарсон қилишди. Бу орада "Ишонч" МЧЖнинг асосий буюртмачиси бўлган ва бу корхонани маблағ билан таъминлашни ўз зиммасига олган вилоят академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиш дирекцияси тугатилади. Энди қурувчилар маблағини кимдан олишини билолмай сарсон.

"Ишонч" МЧЖ корхонасига хизмат кўрсатаётган "Уйжойжамғармабанк"нинг Сурхондарё вилояти бўлими бошлиғи Ш.Юнусов масалага қуйидагича изоҳ берди:

— "Ҳамкор" хусусий фирмаси 2003 йил 26 сентябр куни суд қарорига кўра "инкасса" тўловномасини банкимизга тақдим этган. Аммо корхона ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли пул тўланмай турибди. "Ишонч" МЧЖ корхонасини ўтган йилнинг декабр ойигача Сурхондарё вилоят академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиш дирекцияси ўзаро тузилган шартномага кўра маблағ билан таъминлаб келган. Ўтган йил охирида бу дирекция тугатилди. Лекин касб-ҳунар ва ўрта махсус таълим Марказидан маблағ келиши лозим. Пул келиши билан биринчи навбатда суд қарорлари асосида қўйилган "инкасса" тўловномалари амалга оширилади..."

Хуллас, шу тариқа "Ҳамкор" хусусий фирмаси икки йилдан буён меҳнат ҳақини ололмаяпди.

Бойсун туманидаги "Паҳлавон" кичик корхонаси ҳам 2002 йил 1 январ куни тузилган 1-сонли шартномага кўра, "Хизмат" жамоа корхонасига 3.752.569 сўмлик қурилиш материалларини етказиб беришни ўз зиммасига олган.

"Паҳлавон" кичик корхонаси "Хизмат" хусусий ишлаб чиқариш жамоа корхонасига 2002 йилнинг апрел ойида 3.280.333 сўмлик қурилиш материалларини етказиб берган. Олинган қурилиш материаллари 20 сентябр куни 6-сонли ишончнома ва 4-сонли юк хати орқали расмийлаштирилган. Бироқ унинг ҳақини тўлаш чўзилгандан-чўзилгач, "Паҳлавон" кичик корхонаси хўжалик судига мурожаат этади. Вилоят хўжалик судининг даъво аризасини қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарори чиққач, "Хизмат" корхонаси суд қароридан норози бўлиб, апелляция судига даъво ариза киритди. Апелляция суди биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини қисман қаноатлантирди. Чунки "Хизмат" корхонаси даъвогарга иқтисодий томондан ночор эканини инобатга олишни илтимос қилиб, мабодо 1 миллион 300 минг сўмлик устамадан воз кечса, 3.280.333 минг сўмлик асосий қарзни бир ой ичида тўлашни ваъда берди. "Паҳлавон" кичик корхонаси раҳбари бу ваъдага ишониб, устама даъвосидан воз кечди.

У вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан 2003 йил 13 ноябр куни 1-сонли "инкасса" тўловномаси "Пахтабанк"нинг Бойсун туман бўлимига тақдим қилиб, кўнгли таскин топгандай эди. Аммо... Мана, орадан олти ой ўтаяптики, ваъда берилган пулдан дарак йўқ. Шу ўринда банк ва "Хизмат" корхонаси ўртасидаги айрим чалкашликларга тўхталиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, "Паҳлавон" кичик корхонаси "Пахтабанк"нинг Бойсун тумани бўлимига ўтган йилнинг ноябр ойида суд қарорига кўра "инкасса" тўловномаси тақдим этган. Орадан бир ой ўтгач, "Хизмат" хусусий ишлаб чиқариш жамоа корхонасининг махсус ҳисоб рақамига 7 миллион сўмлик эркин айланма маблағ келиб тушган. Бу маблағнинг бир қисми "Умид" кичик корхонасига, қолгани қурилиш материаллари олиш учун фирмаларга ўтказилган. "Инкасса" тўловномаси эса қоғозда қолиб кетган. Шу йилнинг феврал ойида "Хизмат" корхонаси ҳисобига келиб тушган бир миллион сўм ҳам "Паҳлавон" корхонасини четлаб ўтиб кетди.

Бундан хабар топган "Паҳлавон" кичик корхонаси бошлиғи Ю.Маматалиев Бойсун тумани суд ижрочилари бўлинмаси катта суд ижрочиси А.Усмоновга шу йилнинг 5 январ куни расман мурожаат қилиб, суд қарорига биноан қўйилган "инкасса" тўловномасининг ижросини таъминлашга ёрдам сўраган. Аммо орадан уч ой ўтса-да, бирон-бир натижа чиқмади.

"Чўтбой Мўминов" деҳқон-фермер хўжалиги Бойсун туманидаги "Лаззат" шуъба корхонасига етказиб берган гўшт маҳсулотининг пулини ўз вақтида ололмагани сабабли вилоят хўжалик судига мурожаат этган. Суд "Лаззат" шуъба корхонаси ҳисобидан "Чутбой Мўминов" деҳқон-фермер хўжалигига 91 минг сўмлик устама тўлаш ҳақида қарор чиқарган. Суд қарорига асосан 2003 йилнинг июн ойида қўйилган "инкасса" тўловномаси тўланмаяпди. Ҳолбуки, ўтган вақт мобайнида "Лаззат" шуъба корхонасининг банкдаги ҳисоб рақамига камида ўн миллионлаб эркин айланма маблағлар келиб тушган. Бироқ "инкасса" тўловномасини тўлашга келганда маблағ топилмаётгани ажабланарли...

Хулоса ўрнида айтсак, мутасаддилар банклардаги "инкасса" тўловномаларининг бажарилишларини чуқур ўрганиб чиқишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари лозим. Зеро, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мамлакат иқдисодини юксалтиришга ҳисса қўшиш демакдир.

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



# ИККИ САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

**САВОЛ:** ***Яқинда мен туғруқхонадан туғилганига бир ҳафта бўлган иккита болани асраб олдим. Ўзим тўлиқ режимли ишда ишлайман. Бола туғилганидан сўнг унинг онасига маълум миқдорда таътил бериларди. Менга қандай тартибда таътил берилиши мумкин?***

**Ойниса ҚОДИРОВА,**
**Наманган вилояти, Чуст шаҳри**

**ЖАВОБ:** Янги туғилган болаларни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган ёки уларга васий қилиб белгиланган шахсларга берилиши керак бўлган таътил тўғрисида Меҳнат кодексида тўлиқ маълумот берилган. Меҳнат кодексининг 235-моддасига мувофиқ, сизга болалар туғилган кундаб бошлаб 70 календар кун ҳисобида таътил берилади. Кейинчалик болалар икки ёшга тўлганга қадар энг кам иш ҳақининг фоизи миқдорида нафақа тўланган ҳолда уч ёшга тўлгунга қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда болани парваришлаш таътили берилиши керак.

* * *

**САВОЛ:** ***Биз 4 қаватли ғиштдан қурилган уйнинг тўртинчи қаватида яшаймиз. Хонадонимизнинг деворларида ёриқлар пайдо бўлгани учун уни таъмирлаш анча мушкул. Бунинг устига хонадонимизнинг коммунал таъминоти ҳам унчалик яхши эмас. Уни сотиб бошқа жойдан турар жой олмоқчи бўлсак, бундай уйни биров пул сарфлаб олишга ишонмаяпман. Ҳозир молиявий томондан анча қийналиб турибман. Давлат томонидан қандай ёрдам кутишим мумкин?***

**У. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**Урганч шаҳри**

**ЖАВОБ:** Молиявий томондан қийналганингизни инобатга олиб, текинга турар жой олиш имкониятлари ҳам борлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Турар жойлари авария ҳолатида эканлиги ёки табиий офатдан зарар кўрганлиги белгиланган тартибда тан олинган фуқароларга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда текинга уй-жой берилади. Бу ҳолат Уй-жой Кодексининг 19-моддасида баён этилган.

**Адҳам ОДИНАЕВ тайёрлади.**



*Сўқмоқ йўллар*

# ЭКОЛОГИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ



**Узоқ йиллар давомида инсон табиатни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилиб, табиий ресурсларга фақат истеъмол объекти сифатида муносабатда бўлди. Бунинг натижасида дунёнинг кўпгина минтақаларида хавфли экологик вазият вужудга келди. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш ва ривожлантиришга оид кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Экология соҳасига тааллуқли бир қатор қонунлари қабул қилинди. Бу қонунларнинг қабул қилиниши табиатни муҳофаза этиш муносабатларини такомиллаштиришга, табиий ресурсларни муҳофаза этишнинг ҳуқуқий воситалари самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.**



**Шу билан бирга баъзи корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланувчилар экологик қонунларда белгиланган қоида-талабларга амал қилмасдан хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириши натижасида мазкур қонунларни қўпол равишда бузиш ҳолатлари учрамоқда.**

**Шу нуқтаи назардан ёндашганда, экологик қонунларнинг самарадорлиги, улардаги қоидаларнинг амалиётда жорий қилиниши даражаси, ижро этилишидаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда ушбу қонунларни такомиллаштиришга оид таклифлар ва тавсиялар бериш жуда долзарб масаладир.**

**Яқинда Тошкент Давлат юридик институтида ўтказилган "Экология қонунларини такомиллаштириш муаммолари" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда экология қонунларини такомиллаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.**



# ОҚИБАТЛИ ДУНЁ

Ўша куни қўшни қишлоқда яшайдиган опасининг уйига боришга Кабирнинг сира ҳам оёғи тортмаган эди. Бироқ онасининг раъйини қайтаролмагани учун ноилож йўлга отланди.

Шиғалаб ёғиб турган ёмғир тез орада қорга айланди. Орқага қайтишаётганда ҳавонинг авзойи янада бузилди.

Йўл накд яхмалакка айлангани сабабли машина тепаликка чиқиш жойида сирғалиб, сой ўзанига қулаб тушди. Орқа ўриндиқдаги Зира холага шикаст етмаган бўлса-да, Кабирнинг иккала оёғи ҳам синиб кетган эди. Тўхтовсиз тиббий муолажаларга қарамай бора-бора Кабирнинг тиззалари букилмайдиган бўлиб қолди. Шунда уни машҳур Тоштемир деган жарроҳга кўрсатишни маслаҳат беришди. Зира хола тезда жарроҳ ҳузурига отланди.

Зира хола жарроҳ ҳузурига келганда у операция хонасига кириб кетган экан. Қабулхонада котиба қиз унга бир пиёла чой узатиб, қаердан келганини сўради. Меҳмоннинг жавобини эшитиб, "Тоштемир ака билан ҳамқишлоқ экансиз-да?" деб қолди.

– Қишлоғимиздан профессор чиққанини эшитмаган эканман, – деди Зира хола сергакланиб, – балки адашаётгандирсиз, қизим. Ота-онасининг исми ким экан?

Котиба саволига жавоб бергач, Зира хола беихтиёр қўлидаги пиёлани столга тушириб юборди. Хаёлидан «тезроқ бу ердан кетиш керак», деган фикр яшин тезлигида ўтди. "Ҳозир келиб қолса, мени кўчага ҳайдаб солади", деди у ўзига-ўзи ва эшикка қараб юрди. Бироқ нажот кутиб тўшакда ётган ўғли кўз олдига келиб икки қадам юриб тўхтади. "Тоғ тоғ билан эмас, одам одам билан учрашади, деганлари шу экан-да", деди-ю ўриндиққа мажолсиз чўкди.

Зира холани бесаранжом қилган аянчли воқеа ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида юз берган эди.

...Шу куни райком котиби келади деб, бригадир колхозчиларни тушликка ҳам чиқармади.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

***Ҳозирги пайтда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ичида Европа Ҳамжамияти ўзига хос мавқега эга. Европа минтақасида ягона бозорни шакллантириш ҳамда унга аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий сиёсатини уйғунлаштириб бориш вазифаси Европа Ҳамжамияти фаолиятининг асосини ташкил этади.***



# ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ

Европа Ҳамжамиятининг вакиллик идораси Европа Парламенти ҳисобланади. Европа парламенти асосан Ҳамжамият бюджетини тасдиқлаш, идоралари фаолиятини назорат қилиш, Ҳамжамиятнинг қонун ишлаб чиқишида иштирок этиш каби фаолият билан шуғулланади. Бошқача айтганда, Парламент "Европа ҳуқуқи"ни ишлаб чиқади. Таъкидлаш жоизки, бюджет ваколатларини амалга ошириш Европа парламенти фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Чунки Парламент Ҳамжамият бюджетни қабул қилиш ва уни тўлиқ рад этиш ҳуқуқига эга. Масалан, Парламент 1980 ва 1981 йилларда бюджетни тўлиқ рад этган. Ҳозирда бюджетни тасдиқлаш ҳуқуқи Кенгаш ва Парламент ўртасида ҳал этилади. Бироқ улар ўртасидаги ваколатлар аниқ тақсимланмагани боис бу борада муаммолар ҳам мавжуд.

Европа Парламентининг қонунчилик ваколатлари маслаҳат, келишув, ҳамкорлик иш тартибига бўлинади.

### I. МАСЛАҲАТ ИШ ТАРТИБИ

Ҳамжамиятда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш аслида аъзо давлатлар ҳукуматлари, яъни вазирликлар Кенгаши ва Ҳамжамият комиссияси вакилларидан иборат бўлган идораларга тегишли бўлиб, Парламент ўша идоралар чиқарадиган қонун лойиҳалари ҳақида хулоса билдириш ҳуқуқига эга. Парламент қонунчилик юзасидан тақдим этилган таклифларга ўз розилигини билдирмаса, улар ўзгартирилади. Маслаҳат иш тартиби қонун чиқарувчи Кенгаш ва комиссия томонидан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари Парламентга берилиши орқали амалга оширилади. Лойиҳалар Парламентнинг махсус комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Комиссия ўз фикрини Парламентга баён этгач, Парламент қонуний қарор қабул қилади. Европа Парламенти қонун лойиҳалари матнига ўзгартиришлар киритишни таклиф қилишга ҳақли. Бу таклифлар қонун матнини берган идора томонидан кўриб чиқилиб, маъқул топилганлари қонун лойиҳасига қўшилади. Шу тариқа лойиҳани берган идора билан Парламент ўртасида қарама-қарши фикрлар бартараф этилади. Шунингдек, Парламент комиссияга ўзининг таклифларини қайтариб олишини ҳам билдириши мумкин. Мазкур ҳолат Парламентнинг уни қабул қилинишига қарши эканини билдиради. Комиссия ўзининг таклифларини қайтариб олмаса, Парламент уни 2 ой давомида муҳокама қилади ва тегишли хулосага келади.

Парламент хулосаси мажбурий хусусиятга эга эмас. Бу эса Кенгашга ўзи белгилаган сиёсатни олиб бориш ва шунга мувофиқ қарорлар қабул қилиш имконини беради.

### II. КЕЛИШУВ ИШ ТАРТИБИ

Парламент ва Кенгаш бюджет лойиҳасини расман тақдим этилгунга қадар учрашув ўтказади. Учрашув жараёнида Парламент ва Кенгаш орасидаги зиддиятлар имкон қадар бартараф этилади. Парламент делегацияси ва Кенгашнинг иккинчи учрашуви Парламент бюджет бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиргандан сўнг ўтказилади. Шундан сўнг Кенгаш Парламентга қайта тақдим этиш учун бюджетга ўзгартиришлар киритади. Келишув иш тартиби муайян молиявий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрганиш пайтида Парламент билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

### III. ҲАМКОРЛИК ИШ ТАРТИБИ

Ушбу тартиб 1996 йилда қабул қилинган ягона Европа акти билан амалиётга жорий этилган. Ҳамкорлик тартиби Кенгаш ва комиссиянинг қонунчилик ваколатларини чекламаса-да, улар Парламент билан ҳамкорликда иш олиб боришини назарда тутади. Шу боис ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар Парламентда икки марта ўқилади ва Кенгаш ҳамда комиссия Парламентга барча зарур маълумотларни тақдим этади.

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни биринчи ўқиш чоғида Европа Парламенти томонидан таклиф этилган ўзгартиришларнинг ярми Кенгаш томонидан қабул қилинади. Белгиланган тартибга биноан Кенгаш Парламент томонидан иккинчи ўқишда таклиф этилган ўзгартиришларнинг ҳам йигирма беш фоизини қабул қилиши лозим.

Бундан ташқари, Парламент Ҳамжамиятига янги аъзоларни қабул қилиш, ассоциациялашган аъзо тўғрисидаги келишувларни кўриб чиқиш ва шартномалар тузишда ҳам иштирок этади.

Ҳамжамиятга янги аъзо бўлиб кирадиган давлат аввало Европа Парламентининг розилигини олиши зарур. Бундай розилик Парламент аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Парламент Кенгаш ва комиссияни Ҳамжамиятга янги аъзо қабул қилинаётгани ҳақида музокаралардан олдин ҳамда музокаралар бошланган вақтда хабардор этади. Шунингдек, Парламент Европа Ҳамжамияти имзолаган халқаро аҳамиятга молик бўлган битимларни кўриб чиқишга ҳақли. Шунингдек, комиссия ва Кенгаш Парламентни битимлар ҳақида ўз фикрини билдириш учун хабардор қилишга мажбур.

Парламентнинг яна бир муҳим ваколати Кенгаш ёки комиссия ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажармаган тақдирда Европа Ҳамжамияти судига шикоят билан мурожаат этишида ўз ифодасини топган. Қолаверса, Европа Парламенти арзномаларни, яъни сўров ва шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига ҳам эга. Арзномалар Парламентнинг тегишли комиссияси томонидан ўрганиб чиқилгач, Парламент комиссия хулосалари асосида аъзо давлатларга тегишли чора кўради.

Кўриниб турганидек, Европа Парламенти Европа Ҳамжамияти фаолиятида ўзига хос вазифаларни бажаради ва бу борада муайян тажриба тўплаган.

**Фарҳод АКБАРОВ,**
**Маҳмуд ЭГАМБЕРДИЕВ**



# ЮЗҚОРАЛИК

Андижонлик Марҳабо ҳар галгидек болаларини боғчадан олгани келди-ю, кичик ўғли Асадбекнинг бу ерда йўқлигидан ҳайрон қолди.

— Устига қаймоқранг жемпер кийган дугонангиз келиб, ўғлингизни олиб кетди. Боланинг кийимлари юпқа экан, кийинтириб олиб келаман, дегани учун ўғлингизни ўша аёлга бериб юбордик — дейишди боғча тарбияловчилари.

Бир зумда дунё кўзига қоронғу кўринган Марҳабонинг эсхонаси чиқиб кетди. Ахир, кўзининг оқу қораси Асадбекни ким олиб кетган бўлиши мумкин? Тарбиячидан ўша аёлнинг ташқи кўриниши, белгиларини суриштириб олгач, кўзида ёш билан танишлари Дилдора ва Маҳмуданинг уйига йўл олди.

Уларнинг иккаласи ҳам уйда йўқ экан. Маҳмуданинг эри унинг тўрт кундан бери уйда йўқлигини, отасининг уйида турганини айтди. Марҳабо Маҳмуданинг отасиникига борди. Аммо Маҳмуда Асадбек ҳақида ҳеч нарса билмаслигини, у боғчага бормаганини айтди.

— Жон дугона, биргалашиб Асадбекни излайлик, – деди кўз ёшларини тия олмай Марҳабо.

— Ҳозир ҳеч қаерга бора олмайман, отам касал, — дея Маҳмуда дугонасининг илтимосига бепарво жавоб берди.

Шундан сўнг Марҳабо ички ишлар идораларига ариза берди. Эртасига яна Маҳмудани излаб унинг отасиникига келганда у уйдан чиқиб кетган экан...

Аслида болани боғчадан ўғирлаб кетган Маҳмуда эди. Маҳмуда болани боғчадан олиб, таниш дугонаси Роҳила билан Пахтаобод туманида яшовчи Мамлакат Худойбердиеваникига келишди.

— Боланинг онаси дугонам. Оилавий шароити жуда оғир, бешта боласи бор, бу энг кенжаси, отаси ташлаб кетган. Шунинг учун 300 минг сўмга сотиб беришимни сўради. Бу пулни онасини даволашга сарфлаймиз, у касалванд бўлиб қолган, — дея Маҳмуда муддаога кўчди.

Роҳила ҳам Маҳмуданинг гапларини тасдиқлаб, боланинг онаси ҳақиқатда касаллигини, пулни бергандан сўнг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси ва онасини розилик тилхатини олиб келиб беришини айтди.

Изғиринли эрта баҳор кунларида юпқа кийинган, болани кўриб, раҳми келган Мамлакатхон уни олиб қолди. Аммо у эридан бировнинг боласини олиб қолгани учун роса гап эшитди. Шу боис болани қайтариб берди.

Шундан сўнг Маҳмуда билан Роҳила болани сотиш учун янги харидорлар топишди. Аввалига болани Пахтаобод туманидаги "Гулистон" ширкат хўжалигида яшовчи Лолахон Жўраева, кейин Мавлуда Ғозиевага сотишмоқчи бўлишди. Бироқ айрим сабабларга кўра улар билан савдо пишмади.

Ниҳоят, болага зор бўлиб юрган Гулчеҳра Ибраҳимова исмли аёл эри рози бўлса, болани олишини айтди. Бироқ уни ишонтиришгач, у 300 минг сўм пулни аёлларнинг қўлига тутқазди.

Маҳмуда ва Роҳила эр-хотинларга кейинчалик Қодирова Зуҳра исм-шарифли аёл номидан ёзилган тилхат беришиб боланинг исми Санжар эканини, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олинмагани, чунки бола уйда туғилганини билдиришди. Бироқ тез орада бола ўғриларининг сири фош этилди. Андижон шаҳрида яшовчи, оилали, икки нафар вояга етмаган фарзанди бўлган Маҳмуда Қўшоқова, икки нафар вояга етмаган боланинг онаси Роҳила Матисаева қилмишлари учун қонуний жазо олишди.

Хуллас, 300 минг сўм пулни деб бегуноҳ бир гўдакни оиласидан, онасидан жудо қилмоқчи бўлган нафс бандаларининг юзи эл ичида қора бўлди.

**Умида ИМОМОВА,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Insoniylik qissasi

# ОҚИБАТЛИ ДУНЁ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Саратоннинг тафтидан мажоли қуриган хотин-халаж саҳардан бери чопиқ қилаётган бўлса ҳам нигоҳлари катта йўлда эди. Бир маҳал узоқдан осмонга ўрлаган чанг-тўзон кўринди. Кўп ўтмай дарахт соясига келиб тўхтаган машинадан шляпали икки киши тушиб, ичи-сирти расм ва ёзувлар билан безатилган шийпонга кириб кетишди.

Анча вақтдан сўнг ичкарида овқатланиб чиққач, райкомнинг биринчи котиби билан раис даланинг бошига келишди. Одамларнинг саломига беэътибор алик олган райком котиби шляпасини нақ бурнигача суриб, далага разм солди:

– Нариги картадаги ғўзага мол тушганми?

– Райком бува, у мол эмас, колхозчиларнинг болалари, – деди бригадир қўрқа-писа. – Кўсакни саратоннинг иссиғи қоқиб кетмасин деб шамоллатяпмиз.

Райком котибининг авзойи тезда ўзгарди.

– Ия, янги агротехника усулини топдик денглар, – деди у энди табассум билан.

– Ҳосил мўл бўлсин деяпмиз-да, хўжайин, – деди бригадир икки қўлини қовуштирганча хиёл эгилиб.

– Эртага район бўйича ташаббусларингизни кенг ёямиз, – деди райком котиби гапига расмий тус бериб. – Ҳамма мактабларни бекитиб, ўқувчиларни меҳнат фронтига жўнатамиз. Партия пахта бер, деб талаб қилмоқда...

Шу пайт унинг гапи бўлиниб қолди.

– Партияга одам керакмасми? – деди хотинлар орасидаги юзи қорайиб кетган аёл.

Райком котиби бир зум каловланди-да, кейин важоҳат билан жувонга юзланди:

– Гапингизга тушунмадим?! Бу саволингиз билан нима демоқчилигингизни билсак бўладими?

– Партиянгизнинг куни шу болаларга қолган бўлса, иши хуржун экан демоқчиман, – деди жувон дона-дона қилиб.

Бу гапни эшитиб, раис тезда райком котибининг қулоғига пичирлаб ниманидир тушунтирди-да, бояги жувонга маъноли қараб қўйди.

– Ўзим ҳам худди шундай деб ўйлагандим, – деди райком котиби шляпасини асабий қўлга олиб.

– «Райком» бува, Анор тушмагур жуда ҳаддидан ошди. Уни ўзимиз йўлга солиб оламиз, – деди шунда хотин-қизлар ичидан Зира деган жувон.

– Бормисиз, синглим. Сизга минг раҳмат, – деди райком котиби юз берган ноқулай вазиятдан чиқиб кетишнинг иложи топилганидан ич-ичидан севиниб.

Эртаси куни Зирани райкомга чақиришди. Уни ўзи ишлаётган жойга бригадирликка тайинлаш билан бирга партия ҳақида нолойиқ гап айтгани учун Анорни ёмонотлиққа чиқариш тўғрисида хуфя топшириқ ҳам берилди. Зира бу топшириқни қойилмақом қилиб уддалади.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас қишлоқда Анор тўғрисида «миш-миш» гаплар тарқалди. Эмишки, Анор трактор ўрганиш баҳонасида тракторчи Эралининг бошини айлантириб юрганмиш...

Ёмон гап тез тарқалади. Ҳамқишлоқлари Анорни ҳам, эри Қосимни ҳам маъракаларга чақирмай қўйишди. Бошида Анор бу гапларга парво қилмай юрган бўлса ҳам, кейинчалик балоғат ёшига етиб қолган қизи ва ўғлининг тақдирини ўйлаб, изтироб ўтида қовриладиган бўлди. Ниҳоят, пахта терими охирлаб қолган кунларнинг бирида ғийбатларга учган эри уни уйдан ҳайдаб юборди. Оналарининг бегунохлигига заррача шубҳа қилмаган Шоҳида ва Тоштемир ҳам унга эргашишди. Учовлон бир-бирларининг қўлларини маҳкам ушлаганча, аламли кўзёшларини оқизганча қишлоқни тарк этишди. Улар шу кетганча йўловчи машиналарда Келесда турадиган Анорнинг узоқ қариндошлариникига етиб келишди. Вақт ўтиб уларнинг ҳаёти ҳам ўз маромига тушиб кетди.

Хаёллар гирдобига ғарқ бўлган Зира холани котиба қизнинг овози ҳушига келтирди:

– Холажон, аварияга учраган бир йигитни олиб келиб қолишди. Жароҳати оғир эмас, операция тез тугайди. Ҳамқишлоғингиз келди деб, докторга айтиб қўйдим.

Зира холанинг хаёлида яна узилиб қолган хотира ипи уланди.

... Ўша мудҳиш фожиа Анор болалари билан қишлоқдан кетгандан сўнг 4-5 йил ўтгандан кейин содир бўлди. Онасининг бригадасида механизатор бўлиб ишлаётган Собир пахта терадиган машина шпинделларини ариқ бўйидаги қияликда ювaётганида орқа ғилдирак остидаги намиққан тупроқ ўпирилиб, ёнбошига ағдарилган агрегат тагида қолиб кетди.

Ўша куни мотамсаро Зира опанинг дилидаги тилига чиқди:

– Қилган гуноҳларимнинг азобига сен қолдинг, Собиржон! Бегуноҳ Анорни болалари билан чирқиратган эдим. Мана энди кўзим очилди...

... Остонада унга қараб туриб қолган оқ халатли, чекка сочлари энди оқара бошлаган норғул йигитни Зира хола дафъатан танимади.

– Ия, Зира холамисиз? – деганча Тоштемир югуриб келиб уни бағрига босди.

– Мен гўрсўхта холангни танидинг-а, Тоштемиржон? Ҳайдаб юборсанг керак, деб ўйлагандим, – деди Зира хола кўз ёшларини дув-дув тўкканча.

– Ҳамма гапдан яқинда хабар топдик холажон, – деди Зира холани хонасига бошлар экан Тоштемир, – сиз айбдор эмассиз. У замонлар ўтиб кетди. Энди буёғига меҳр-оқибатли бўлайлик.

Эртасига Кабирни тиббий кўрикдан ўтказган Тоштемир Зира холанинг кўнглини тинчлантирди:

– Энди сиз уйга қайтсангиз ҳам бўлади. Хавотир олманг, Кабиржон уйга ўз оёғи билан кириб боради. Мен ҳам бирга бораман. Шу баҳона ҳамқишлоқларимни бир йўқлаб келаман...

Кабир бутунлай соғайгандан кейин, ваъдага биноан Тоштемир у билан қишлоққа йўл олди.

Тоштемир ота уйини ҳатлаб ўтиб кета олмади. Лекин отасини уйда учратолмади. Ўша куни бутун қишлоқ аҳли Наврўз байрамини нишонлаш учун гузарга йиғилган экан.

Гузарда ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг Тоштемир тумонат одамларга юзланиб шундай деди:

– Сизларнинг орангизда мен учун азиз бўлган бир инсон бор. У киши билан тақдир тақозоси туфайли узоқ вақт айриликда яшадик. У табаррук зот менинг отам бўлади. Мен ундан минг бора узр сўрайман. Отажон мен сизни соғинганман, ўзингизни таништиринг.

Мўйсафидлар ўтирган давра томондан чиқиб келган, отахон қучоқ очганча Тоштемир томонга талпинди.

Ота-бола узоқ вақт бир-бирларини бағрига босиб туришди.

Шу дамда бир вақтлар узилган меҳр-оқибат ришталари яна боғланган эди. Йиғилганлар бу дунёнинг меҳр-оқибатдан яралганига имон келтиришди.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Huquqiy savodxonlik sari

# НИКОҲЛАНУВЧИЛАРНИ ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида ФҲДЁ идоралари томонидан рўйхатга олинадиган барча никоҳланувчи фуқаролар Оила кодекси талабларига мувофиқ тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Никоҳланувчи шахслар ФҲДЁ идоралари томонидан қонунда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтиши учун яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги, уларнинг яшаш жойидаги психиатр врачлар, наркологлар, тери-таносил касалликлари врачлари, психиатрлар томонидан амалга оширилади.

Никоҳни қайд этишда ФҲДЁ идоралари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганига ва уларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Никоҳланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонни тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши шарт. Тиббий кўрикдан ўтгандан кейин никоҳ тузилишига тўсиқ мавжуд бўлмаган тақдирда ФҲДЁ идоралари томонидан никоҳни қайд этиш белгиланган тартибда амалга оширилади. Никоҳланувчи шахсларда дарҳол даволаш курсидан ўтишни талаб этувчи касалликлар аниқланган ҳолда улар белгиланган тартибда тегишли даволаш муассасаларига юборилади.

Агар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида уларнинг биттаси ёки ҳар иккаласида касаллик аниқланса, у ҳолда никоҳни қайд этиш томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангандан кейин амалга оширилади.

Текширилаётган шахс яшаш жойидаги даволаш-маслаҳат комиссиясининг хулосасига рози бўлмаган тақдирда, бошқа тиббий муассасада такрорий тиббий кўрик ўтказилади.

Никоҳни қайд этувчи шахслар тиббий кўрик натижалари тўғрисидаги ахборотнинг махфийлиги учун жавоб беришади.

Бундан ташқари кўрикни ўтказган врач қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрик натижаларининг холислиги учун шахсан жавоб беради. Никоҳланувчиларнинг тиббий текширувдан ўтгани тўғрисидаги маълумотномаси бўлмаган ҳолларда никоҳ қайд этилишига йўл қўйилмайди. Қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ ФҲДЁ идоралари ходимлари никоҳни қайд этиш вақтида ўзларига маълум бўлган шифокорлик сирларига оид маълумотларни ошкор этишса, ушбу ҳаракатлари учун қонуний жавоб беришади.

**Ўктамхон ҚОДИРОВА**

Nodir hikoyatlar

# ЭЗГУЛИК ФАРЗИ

Бу ҳикояни мен Абуд Ҳусайн ибн Ҳишомдан эшитганман:

— Мазкур воқеани Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Саъд ҳикоя қилиб берган. У ҳошимийлар қабиласи озод қилиб юборган қул бўлиб, бир вақтлар қози Юсуфнинг котиби лавозимида ишлаган. Унинг айтишича, қози Исмоил ибн Исҳоқ ўз устозларидан эшитганки, Офийя қози халифа ал-Маҳдий томонидан Бағдоднинг бир қасабасига қози этиб тайинланади. У зўр уламо, табиатан зоҳид бир одам бўлган. Бир куни у ўша қасабада қози бўлиб турган вақтда ал-Маҳдий саройига келиб, халифанинг бўш вақтини топиб, ҳузурига киради ва қабул қилишини сўрайди. Қози ҳужжатлар сақланадиган қутичани ўзи билан бирга олиб келганди. Қози ал-Маҳдийдан изн сўраб, дейди:

— Мени қозилик мансабидан халос этиб, манави қутичани ўзингиз раво кўрадиган кишига топширсангиз...

"Каттакон амалдорлардан биронтаси қозини ҳақорат этган ёхуд ҳуқуқларига дахл қилган бўлса керак", — деб ўйлайди халифа ва Офийяни шу мавзуда саволга тутади.

— Сиз олампаноҳ тилга олган ишлар содир бўлгани йўқ, — деб жавоб қилади қози.

— У ҳолда нечук лавозимдан воз кечаётирсан? — сўрайди ҳукмдор.

Шунда Офийя ундан яна бир карра ижозат сўраб, шундай дейди:

— Бир куни ҳузуримга икки даъвогар кириб келди. Бири — шерозлик, яна бири исфахонлик экан. Даъво иши бағоят чигал эди. Иккови ҳам ўз фойдасига ишлайдиган далил-гувоҳлари бор эканлигини айтиб, бирма-бир санар эдики, мен уларни ипидан-игнасигача кўриб чиқишим зарур эди. Шу боисдан пировард ҳукмни чиқаришга шошилмадим. Ё улардан бири битимга рози бўлади ёхуд можарони ҳал этувчи ечимни топаман, деб умид қилардим. Шу аснода даъвогарлардан бири менинг ширин хурмоларни ҳуш кўришимни билиб олган экан. Қаерда шундай хурмони кўрса, сотиб ола бошлаган. Айни пишиқчилик пайти эмасми, у шунчалик кўп хурмони сотиб олганки, бу иш ёлғиз амир ал-мўминнинг қўлидан келса керак, деб ўйладим ўзимча. Умрим бино бўлиб бунчалик кўп ширин хурмони кўрмагандим. Даъвогар уйимнинг қоровулини ўзига оғдириб олиб, ундан ҳам пулини аямаган. Менинг йўқ дейишимга қарамай, меваларни менга олиб келиб турсин, деб шундай қилган. Ҳар гал хурмо тўла лаганни хонамга кўтариб кирганида мен рад этиб, меваларни қайтариб олиб бориб беришни буюрар ва қоровул айтганимни бекаму-кўст бажарар эди.

Бугун ўша даъвогарлар яна ҳузуримга келишди. Аммо энди улар кўзимга тенг кўринмай қолди. Тарози бир томонга оққандек эди. Гарчи тухфаларини қабул қилмаган бўлсамда, даъвогарлардан бирига кўнглим мойилроқ эканини сезиб қолдим. Тухфаларини олиб қолганим тақдирда натижа не бўлур эди? Бу ҳолда имонимга зид иш қилиб, аввало ўзимнинг, сўнг бошқа бир банданинг охиратини куйдиришим турган гап. Шу сабабга кўра, мени қозилик лавозимидан бўшатишингизни ўтиниб илтимос этаман.

Ал-Маҳдий бироз ўйланиб туради-да, Офийяни қозиликдан халос қилади.

# АДОЛАТ ҲАР НЕДАН УСТУН

Қуйидаги воқеани менга Талҳа ибн Убайдуллоҳ ибн Канош сўзлаб берган:

— Бир куни Сайф ўд-Давланинг улфатлари даврасида ўтирардим. Дўстона суҳбат асносида қандайдир бир одамни судраб олиб келишди. Амир нимадир деб, уни ўлимга буюрди, ҳукми дарҳол бажарилди.

Шунда амир бизга қараб, деди:

— Нақадар адабсизлик! Саройимдаги хулқ-ахлоқнинг ҳолига вой! Ана одамгарчилик! Наҳотки, биронтангиз ҳукмдорлар ҳақидаги ривоятларни эшитмагансиз? Наҳотки эзгуликка ишонмайсиз? Ё сизга шундай тарбия беришганми?

Амир биронтамизни ножўя ишимиздан воқиф бўлган кўринади, шу боис бизга дашном беряпти, деб ўйланиб қолдик. Сўнг дедик:

— Биз ҳусни хулқни жанобларидан ўрганганмиз (биз амирга "жаноблари"деб мурожаат қилардик). Бу таъналарнинг боиси не, билолмай турибмиз. Ўзлари изоҳлаб берсалар, айни муддао бўларди.,.

Амир деди:

— Наҳот кўрмадингиз? Кўз олдингизда бир мусулмоннинг қонини тўкдим. Бир чеккаси ҳокимиятпарастлик, қисман тубан — манфаат важидан шундай ҳукм чиқардим. Ораларингизда бирон-бир эсҳушли одам сўз олиб, маҳкумнинг бир қошиқ қонини кечишни мендан сўрар, деб умидвор эдим. Унинг айтганини қилардим ҳам. Бу иш маҳкумга ҳам, умуман аҳли фуқарога ҳам одиллик бўлурди. Сизлар эса лом-мим демадингиз. Оқибатда бир инсонни азиз жонидан жудо этдим.

— Жанобларининг муборак амрларига монелик кўрсатишга юрагимиз бетламади, — деб ўзимизни оқламоқчи бўлдик. Амир эса яна сўроқа тутди:

— Баракалло! Гап бир мўминнинг ҳаёт-мамоти устида борса ҳам оғиз очмай ўтираверамиз, денг? Ўзингизни оқлай олмайсиз! Асло! Биз шундай ҳолларда энди сукут сақламасликка амирга сўз бердик. Аммо унинг кўнгли тинчимагунига қадар ўзимизни оқлашда давом этдик.

**(X асрда яшаб, ижод этган араб адиби Ат-Танухийнинг "Мароқли ҳикоятлар" тазкирасидан)**
**Илҳом СУЛТОНОВ таржимаси.**

Charxi kajraftor

# ЎЛИМ ЖАЗОСИ БОР, АММО ОТУВ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Америка ҳақида гап кетганда унга "демократик мамлакат", дея таъриф берилади. Чунки бу мамлакатда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида баҳоланади. Ва қонунлар ҳам асосан инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шу боисдан бўлса керак, кўпчилик оддий америкаликлар жиноятчиларга нибатан қўлланиладиган олий жазо — ўлим жазосига қарши. Улар қайсидир жинояти учун инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб ҳисоблашади.

«Франс-пресс» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Америка Қўшма Штатларининг Юта штатида суд томонидан олий жазога ҳукм қилинган маҳбусларга нисбатан қўлланиладиган отув амалиёти бекор қилинган. Лекин ўлим жазоси бор экан, демак, унинг ижро этиш усули ҳам бўлиши табиий.

Юта штати губернатори Олин Уолкернинг гапига қараганда, отув жазоси — инсонга нисбатан шафқатсизлик намунасидир. Шунинг учун ҳам бундан буён Юта штатида жазонинг бундай усули қўлланилмайди. Олий жазо нисбатан "енгилроқ" ва "замонавийроқ" усул — ҳукм қилинган маҳбуслар томирига дори юбориб, қатл этиш усули қўлланилади.

# ҲАЗИЛ УЧУН ЖАРИМА

Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Англиянинг Ньюмаркет қўрғонида истиқомат қилувчи Бренда Гулд хоним ҳазилкашлиги учун қонун олдида жавоб берди. Қонун посбонлари бор-йўғи биттагина ҳазили учун Гулд хонимга 210 фунт стерлинг миқдорида жарима солишди. Тўғриси, ҳазил ҳам ҳазилакам бўлмаган эди-да...

Бренда аввалги маҳаллий ҳокимиятларга сайлов даврида ўзининг итини Жек Вуфлс исм-шарифи билан сайловчилар рўйхатига киритган эди. Буни ўз вақтида билиб қолган маҳаллий ҳокимият вакиллари уни биринчи марта огоҳлантириш билан чекланишган. Лекин Гулд хоним бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, бу йилги сайловлар арафасида у ўзининг иккита сигирини қонуний сайловчилар рўйхатига киритган.

Ўзбекчасига сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади деганларидек, маҳаллий ҳокимият вакиллари Бренда томонидан сайловчилар рўйхатига киритилган "шахс"ларни текшириб кўришганида, уларнинг сигир эканлиги маълум бўлди. Шундан сўнг улар Гулд хонимни судга беришди.

Суд жараёнида Бренда Гулд ўзини ҳимоя қилар экан, шундай фикрни айтди: "Сайлов қўмитасидан келган хатда, бизнинг омборимизда яшовчилар ҳақида ҳам маълумот сўралган экан. Табиийки, бу мен ва эримнинг ғашига тегди. Агар сигирлар сайловда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган экан, нега энди сайлов қўмитаси улар ҳақида маълумот талаб қилади?.."

Афсуски, Гулд хоним ва унинг оқловчиларининг барча саъй-ҳаракатлари зое кетди. Англия суди уни айбдор деб топди ва 210 фунт стерлинг миқдоридаги жарима билан "сийлади".

**Носир РАЖАБОВ тайёрлади.**



*Жозибали уфқ...*

Jinoyatga jazo muqarrar

# АДАШГАН ОҒУФУРУШЛАР

Оғунинг қилмиши қора, дейишади. Бу бежиз эмас. Чунки унинг гирдобига тушиш оқибатида саломатлик йўқолади, оилалар барбод бўлади, турли жиноятларга йўл очилади. Гиёҳвандлик воситаларини сотиш эса бундан ҳам оғир жиноят саналади. Ана шу "қора" касб билан шуғулланадиган шахслар мўмай пул топиш мақсадида бошқаларни, айниқса, ёшларни оғу домига гирифтор этадилар ва кечириб бўлмас гуноҳга ботадилар...

Яқинда Навоий вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан Хатирчи туманидаги Майдонсой қишлоғида яшовчи, 6 нафар фарзанднинг отаси Тоштемир Абдураҳимов, шу қишлоқда яшовчи 26 ёшли, бир нафар фарзанднинг отаси Нормамат Холматов, Кармана туманида яшовчи, 25 ёшли Мирзоҳид Абдувоситов, Навоий шаҳрида яшовчи 37 ёшли, 2 нафар фарзанди бўлган, муқаддам судланган Алишер Баратов ва Кармана тумани фуқароси, 37 ёшли, 3 нафар фарзанднинг отаси Ҳасан Акромовлардан иборат оғуфурушлар гуруҳи фаолиятига барҳам берилди.

Ўтган йили сентябр ойи охирларида Тоштемир томорқасидаги маккажўхори ҳосилини ўриб-йиғаётганда сал бўлмаса, хурсандчиликдан ақлини йўқотаёзди. Қараса, "марихуана" гиёҳвандлик ўсимлиги пишиб етилиб қолган экан. Тоштемир ўсимликни авайлаб ўрди-да, ҳеч ким кўрмасин, деб молхонасига киритиб, яшириб қўйди. Уни меъёрига етказиб қуритади, кейин эса сотиш учун қадоқлаб қўяди.

Орадан уч ой ўтгач, 13 декабр куни ҳамқишлоғи Нормаматнинг қўйнига қўл солиб кўрди.

— Сени танишларинг кўп, — дейди у. — Менда бироз «марихуанна» бор. Мижоз топ, сени ҳам қуруқ қўймайман.

Унинг мижозлари тайёр экан, кўп куттиришмади. 16 декабр куни Нормаматнинг уйига "товар" олгани Навоий шаҳридан "Тико" автомашинасини ёллаб Алишер, Ҳасан ва Мирзоҳидлар кириб келишди. Уй эгаси меҳмонларни ҳоли қолдириб, ўзи дарров Тоштемирникига қараб югурди. Харидорлар келишганини айтди. Нархини келишишди.

— Менга битта рангли телевизор билан 20 минг сўм пул келтириб берсанг, бўлади, — деди Тоштемир ва унга целофанга ўроғлик оғуни тутқазди. — Қишлоқдошим бўлганинг учун сенга икки кун муҳлат. Бегонага асло бермасдим.

— Ҳаммаси айтганингиздек бўлади, ака, — деди Нормамат.

Харидорлар оғуни сигаретага жойлаб "татиб" кўришади. Сўнгра телевизор ва пулни икки кундан кейин келтириб беришга ваъдалашиб, ярим тун Майдонсойдан Навоийга қараб йўлга тушишади.

Навоийгача ҳамма жим келади. Ҳайдовчидан бошқалар бир-бир мизғиб ҳам олишади. Шаҳарга кираверишда машинани йўл патрул хизмати инспектори ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари тўхтатишади. Алишер шунда ниманидир сезгандек, бир сесканиб тушади, тиззаси қалтираб, белида ўроғлик оғуни маҳкамроқ қисиб қўяди.

Киракашлик билан шуғулланувчи ҳайдовчи Т.Ходиев ҳужжатларини кўрсатиш учун машинадан тушади. Тезкор ходимлар эса машина ичидагиларнинг ҳужжатларини кўздан кечирмоқчи бўлишади. Шунда Алишер чаққонлик билан ҳайдовчи ўрнига ўтириб, машинани ҳайдаб қочади. Кўз кўрмас даражада узоқлашгандан кейин Алишер ўзидаги оғуни Мирзоҳидга тутқазиб, "қочиб кет" деб уни машинадан туширади. Ҳасан билан Алишер Ғалаба шоҳ кўчасида жойлашган "Маданият ва санъат" коллежи рўпарасида машинани ташлаб, ҳар томонга қочиб яширинишади. Тезкор тадбирлар натижасида Мирзоҳид Майдонсойдан олиб келинган 187 грамм оғу билан қўлга олинади. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, қолган оғуфурушлар ҳам бирин-кетин яширинган жойларидан ушлаб келинди...

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти суди судлов ҳайъати гиёҳвандларнинг қилмишига яраша тегишли қонуний ҳукм чиқарди. Энди бу оғуфурушлар қаттиқ тартибли жазони ижро этиш жойида тегишли хулосага келишса, ажаб эмас.

**Қўчқор ЁВКОЧЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ёркул УМАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Taassuf

# ШАЙТОН ИЗМИГА ЮРГАНЛАР

Дилноза Ҳошимова Ташқи миграция агентлигининг Тошкент шаҳар бўлими вакили вазифасида ишлаётгани боис чет элга ишга борувчиларни рўйхатга олиш, уларга ишга жўнатиш қоидаларини тушунтириш ва бирламчи ҳужжатларни йиғиш ваколатига эга эди. Бироқ у бу ваколатдан тўғри фойдаланмади. Аксинча, нафс қутқусига учиб, жиноятга қўл урди. Аниқроқ айтганда, Дилноза Ҳошимова чет элга ишга кетиш ниятида юрган фуқаро М.Норметовга тез кунларда хорижга шартнома асосида ишга жўнатишни ваъда бериб, ундан 60.000 сўм пул олади. Сўнгра мижозининг исм-шарифини тегишли китобга хуфёна равишда киритиб қўяди.

Орадан кўп вақт ўтмай Дилноза яна бир содда одамни чув туширади. Чет элга ишга кетиш ниятида юрган фуқаро Ш.Турдиевга тез кунларда бошқа мамлакатга шартнома асосида ишга жўнатишини айтиб, ундан 200.000 сўм миқдорида пора олади. Шу тариқа у жиноий шериги Акмал Бийжонов билан ҳамкорликда Ш.Ғуломовдан юз, Н.Байлиевдан 150, Ё.Эргашевдан 200, Ш.Ҳамдамовдан 150, Г. Рогожниковдан 200, К. Ҳабибуллаевдан 200, О.Избосаровдан 150, Ф.Турғуновдан 300, И.Анаевдан 300, Н.Галиевдан 250, Ё.Аҳметшиндан 250, Х.Нуриддиновдан 100 АҚШ доллари миқдорида пора олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Албатта, ҳар бир ишнинг чек-чегараси бор. Бу икки фирибгар ҳам суд ҳукми билан қонуний жазо олишди. Аммо бизни бир савол ўйлантиради. Гап шундаки, наҳотки, фуқаролар ҳали кўзланган мақсадларига етишетмасликлари мавҳум бир ҳолатда шунча пулни уларнинг қўлларига бериб қўйган? Нега улар қонуний йўл қолиб, қинғирлик йўлини танлашган?

Муножот Заитхонова Миробод тумани ҳудудида жойлашган "Бизнесбанк"нинг валюта айирбошлаш шаҳобчасидан навбатсиз хориж валютасини олиш мақсадида бир миллион йигирма минг сўм пулини фирибгар Мираҳмад Ёқубовнинг қўлига топширган. Мираҳмад Ёқубов эса Муножотга уч юз АҚШ доллари бериб, қолган 700 минг сўм пулни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Хуллас, бир дақиқалик адашув туфайли Муножот Заитхонова кўп жабр-жафо чекди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг фаол саъй-ҳаракати билан жиноятчи қонуний жазога тортилди ва М.Заитхонова ўз маблағини қайтариб олди.

Элда шайтон йўриғига юрган киши ҳар балодан қайтмайди, деган нақл бежизга айтилмаган. Ҳотамжон Ҳусанов ва унинг турмуш ўртоғи Назира шайтон измига бўйсунишди. Эр-хотин ўзаро жиноий тил бириктиришиб, фуқаро Маҳбуба Ҳошимованинг паспортини эгаллаб, унга Н.Ҳусанованинг расмини ёпиштириб, уни Чилонзор туманида фуқаро Л.Малидовага тақдим этиб, эвазига 12.000 сўм тўлаб унинг уйини бир ой муддатга ижарага олишади. Улар хонадон эгаси уйда йўқ пайтида жами 325.000 сўмлик мол-мулкларни ўғирлаб кетишади. Бироқ жиноятчилар тез орада қўлга тушиб, қонун олдида жавоб беришди. Хуллас "ўзингни маҳкам тут, қўшнингни ўғри тутма", деган нақлга ва қонун талабларига амал қилмаганлар юқорида баён этилгани сингари сарсон-саргардон бўлишса, қинғирлик ва фирибгарлик йўлини танлаганлар албатта қонуний жазога тортилишади. Бу оддий ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги лозим.

**Геннадий ДАВЛЕТОВ,**
**ҳуқуқшунос**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-219. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50